

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

Д.Б.РАХИМОВ



УЎК: 520 (072) (575.1)

ББК: 66.4 (5Япо)

Р: 28

Ўқув-услугий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услугий кенгашида 2025 йил 27 март куни муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган (2-сонли баённома).

Рахимов Д.Б. Япония (ҳуқуқшунос нигоҳида): Ўқув-услугий қўлланма.
–Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, 2025. – 113 б.

Такризчилар: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Х.Файзиев
юридик фанлар номзоди, доцент Р.Шакуров

Ўқув-услугий қўлланмада Япон ва ўзбек халқлари маданияти, фалсафаси, ҳуқуқ тизими қиёсий таҳлиллар асосида ёритилган.

Қўлланма кенг жамоатчилик, юрисконсультлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, олий юридик таълим ўқув муассасалари талабалари ҳамда юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти тингловчилари учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма отам, биринчи устозим, тарихчи ва ҳуқуқшунос, олий тоифали педагог Бахтиёр Рахимовнинг кўрсатмалари ҳамда маслаҳатларига асосан тайёрланди.

© Д.Б.Рахимов, 2025.

© Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, 2025.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	4
I БОБ. Японияга ташрифнинг дастлабки қадамлари	
1.1. Япон ва Ўзбек саломлашиш одоблари	5
1.2. Япония Адлия вазирлигининг ташкил этилиши, вазирлик музейи ва “Хабарлар галлерияси”даги тарихий материаллар.....	7
1.3. Япония Адлия вазирлигининг Тадқиқот ва малака ошириш институти фаолияти ҳамда Ўзбекистон билан ҳамкорлиги.....	9
1.4. Япония Нотариуслар Миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Нотариал палатаси.....	15
1.5. Япония ва Ўзбекистонда нотариус бўлиб ишлаш учун қўйиладиган малака талаблари.....	18
1.6. Япония ва Ўзбекистонда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тамойиллари ва ҳуқуқий асослари.....	19
II БОБ. Япония ва Ўзбекистонда нотариуслар малакасини ошириш тартиби	
1.7. Японияда нотариус бўлишни хоҳловчи шахсларнинг таълим олиши ва малака ошириши тартиби.....	25
1.8. Японияда нотариусларнинг малака ошириш курслари	26
1.9. Японияда нотариуслар малака ошириши учун умумий талаблар.....	27
1.10. Ўзбекистонда юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш	29
III БОБ. Япония ва Ўзбекистон: фалсафа, маданият ва машҳур манзиллар	
1.11. Япония ҳақида маълумотлар	30
1.12. Япон “IKIGAI” фалсафаси моҳияти ва унинг 10 та қоидаси.....	31
1.13. Японлар узоқ яшашининг 11 сири	34
1.14. Япон ва Ўзбек халқи маданияти	42
1.15. Япония ва Ўзбекистоннинг машҳур манзиллари.....	51
1.16. Японияга хизмат сафари юзасидан тақдимот.....	64
1.17. Японияга қилган сафарим натижалари бўйича хулосам.....	69
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАНБАЛАР	70
ИЛОВА	
Япония Миллий Нотариуслар ассоциацияси томонидан “29 халқаро нотариуслар конгресси” учун тайёрланган “XXI асрда нотариат тамойилларининг амал қилиши” мавзусида материаллар.....	73

К И Р И Ш

Дунёнинг ривожланган давлатлари билан ҳамкорликни амалга ошириб, уларнинг ҳуқуқ тизими, маданияти ва фалсафаси билан яқиндан танишиш ҳамда тажриба алмашиш хайрлидир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази раҳбарияти ва хусусий нотариуслардан иборат таркибда 2023 йилнинг 17-24 ноябрь кунлари Японияда хизмат сафарида бўлиб, у ернинг ҳуқуқ тизими, маданияти, фалсафаси ва маданий ёдгорликлари билан танишиб, ҳайратланарли таассуротларга эга бўлдик.

Ушбу таассуротларимизни мазкур ўқув-услубий қўлланмага мужассам этиш орқали ўқувчиларга етказиш асносида Япония ҳуқуқ тизими, маданият, фалсафасининг илғор жиҳатларидан фойданишларига яқинда ёрдам беришни мақсад қилдик.

Ўқув-услубий қўлланмада Японлар ва Ўзбекларнинг саломлашиш одоблари, Япония Адлия вазирлиги тизими, вазирлик музейи ва “Хабарлар галлерияси”даги тарихий материаллар, вазирликнинг Тадқиқот ва малака ошириш институти фаолияти ҳамда Ўзбекистон билан ҳамкорлиги, Япония Нотариуслар Миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Нотариал палатаси, Япония ва Ўзбекистонда нотариус бўлиб ишлаш учун қўйиладиган талаблар хусусида сўз юритдик.

Шунингдек, Япония ва Ўзбекистонда нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, Японияда нотариуслар малака ошириш жараёни, нотариусларнинг малака ошириш курслари ва малака ошириши учун қўйиладиган умумий талабларни баён этдик.

Бундан ташқари, қўлланма ва унинг иловасида Япония ҳақида маълумотлар, Япон “IKIGAI” (“Ҳаёт арзийди”) фалсафаси моҳияти ва унинг 10 та қоидаси, Японлар узоқ яшашининг 11 сири, Япон ва Ўзбек халқи маданияти ҳамда Япония ва Ўзбекистоннинг машҳур манзиллари хусусидаги маълумотларни ҳамда Япония Миллий Нотариуслар ассоциацияси томонидан “29 халқаро нотариуслар конгресси” учун тайёрланган “XXI асрда нотариат тамойилларининг амал қилиши” мавзусида материалларни ҳам келтириб ўтдик.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма ва унинг иловасида келтириб ўтилган маълумотлар Япония ҳуқуқ тизими, маданияти, фалсафаси оид билимларингизнинг ошишига яқиндан ёрдам бериши билан биргаликда, улардан илмий ишларингиз, амалиётингиз ёки келгусидаги профессионал фаолиятингизда фойдаланишингиз мумкин.



Мен Рахимов Дониёр
Бахтиёрович Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги
кошидаги Юристар малакасини
ошириш маркази профессори,
юридик фанлари доктори (DSc)
марказ раҳбарияти ва хусусий
нотариуслардан иборат таркибда
2023 йилнинг 17-24 ноябрь кунлари
Японияда хизмат сафарида бўлиб, у
ернинг ҳуқуқ тизими ва маданий
ёдгорликлари билан танишдик.

“Сўз боши салом” дейишади доно халқимиз.

Саломлашиш одоби.

Японларнинг саломлашиш маданияти ўзига хос, улар саломлашганда – кўлни узатмасдан, табассум билан таъзим қилган ҳолда “Kon'nichiwa” (салом) дейишади. Бу ўзбекларда “Ассалому алайкум” тарзда жаранглайди.



Ер юзида 200 дан ортиқ давлат, 2000 дан ортиқ миллат ва элатлар мавжуд. Миллатнинг биринчи белгиси – тил.

Маданиятнинг биринчи белгиси – одоб! Одоб-ахлоқнинг биринчи белгиси – бу саломлашиш! Саломлашиш “саломатлик” сўзининг синоними ҳисобланади.

Саломлашиш одобимиздаги “Ассалому алайкум” сўзи “Сизга тинчлик, соғлик-саломатлик тилайман” деган маънони билдиради. Унга жавобан айтиладиган “Ва алейкум ассалом” (“валеюкум ассалом”) сўзи эса “Сизга ҳам тинчлик, соғлик-саломатлик тилайман” деган маънони англатади.

Ўзбекона саломлашиш одобининг энг муҳим 7 та қоидаси:

✔ **1-қоида:** Саломлашишда, энг аввало “Ассалому алейкум” ва “Ва алейкум ассалом” сўзлари тўлиқ талаффуз этилиши шарт. “Яхшимисиз” сўзи ҳеч қачон “Ассалому алейкум” сўзининг ўрнини боса олмайди. Саломлашиш сўзларини бузиб талаффуз қилиш – либоссиз юриш билан баробар.

✔ **2-қоида:** Саломлашишда, аввал ёши кичик киши ўзидан ёши катта кишига салом беради. Бироқ, у биринчи бўлиб қўл узатмайди. Эр-хотин ўртасидаги саломлашиш одобиди ҳам аввал хонадон бекаси оила бошлиғига

салом бериши лозим. Фарзандлар ота-онасига, ака-опасига, худди шундай, ўқувчилар ўқитувчисига биринчи бўлиб салом беришлари шарт. Ёши катта киши қўл узатмагунича, кичик ёшдаги киши қўл чўзмайди. Бош қимирлатиб қўйиш, қош қоқиш, пичирлаб қўйиш, киприк қоқиб, бир қараб қўйиш – на салом бериш ва на алик олишга ярайди. Бундай саломлашиш ожизлик, такаббурлик белгиси!

✓ **3-қоида:** Кўпчилик йиғилган жойга келган бир киши, унинг мавқеи ёки ёшидан қатъи назар, биринчи бўлиб салом бериши керак. Бир киши иложи борица кўпчилик билан қўл бериб кўришиши шарт эмас. Кўпчилик уларнинг даврасига қўшилаётган ёлғиз киши билан қўл бериб сўрашиш истагини билдирса, бу бошқа гап.

✓ **4-қоида:** Салом берувчи ва алик олувчиларнинг сони, ёшидан қатъи назар, намоз ёки китоб ўқиётган, қоғозга ёхуд компьютерда ниманидир ёзаётган кишиларга салом бермай турилади. Бу пайтда кўқисдан салом бериш, нафақат салом бериш, шовқин солиш, овоз чиқариш – одобсизлик саналади. Мутолаа ва ёзув билан банд киши бир зумга чалғиб, сиз томонга қараб қўйганидагина у билан саломлашишингиз мумкин.

✓ **5-қоида:** Юз-қўли ювилмаган ёхуд таҳорати бузилган кишилар билан саломлашмай турилади. Кишилиқ жамиятида минг йиллар давомида қатъи бир қоидаларга айланган шахсий гигиена қоидалари мавжуд.

✓ **6-қоида:** Хожатхона ва ҳаммомда умуман саломлашилмайди.

✓ **7-қоида:** Қабристонда, хусусан қабристон эшиги остонасида ва яқин инсоннинг қабри тепасида марҳумлар ҳаққига салом берилади. Бу ердаги салом бериш одоби – марҳумларга ҳурмат белгиси!¹.

2023 йил 17 ноябрь куни Япониянинг “Нарита” халқаро аэропортига келиб, 24 ноябрь куни шу ердан Тошкент шаҳарига қайтдик.



¹ <https://archive.qalampir.uz/news/salomlashishning-7-ta-muxim-odobi-11557>

“Нарита” Токио шаҳрининг шарқий қисмида жойлашган халқаро аэропорт бўлиб, шаҳар марказидан 50-60 км. масофада жойлашган.

✓ Япониянинг “Нарита” аэропортидан Токио шаҳрига вертолёт орқали бориш мумкин. Бу каби хизматлар бир нечта компаниялар томонидан тақдим этилиши мумкин, уларнинг ҳар бири ўзининг хизматлари ва нархлари билан фарқланади.

✓ “Нарита” халқаро аэропортидан Токио шаҳрига поезд, автобус, автомобил, такси ёки шаҳар автомобили орқали бориш мумкин. Ушбу аэропортдан Токио шаҳрига бориш йўлининг масофаси 74.8 км. бўлиб, манзилга етиб бориш вақти эса 59 минутни ташкил этади².

“Токио шаҳрига энг яхши бориш йўли - поезд орқали бўлиб, йўл ҳаққи 18-40 АҚШ доллар, етиб бориш вақти эса 59 минутни ташкил қилади. Автобус билан эса 1 соат 37 дақиқада 10-26 АҚШ долларида бориш мумкин.

Токиога энг тез етиб бориш - такси орқали бўлиб, 220-260 АҚШ долларида 55 минутда бориш мумкин.

Шунингдек, Токиога энг арзон етиб бориш - ҳайдовчиси билан транспортни брон қилиш (транспортнинг текин кутиш вақти - аэропортда 60 минут, бошқа жойларда эса 15 минут) орқали бўлиб, 8-11 АҚШ долларга 55 минутда (67.2 км.) бориш мумкин”³.

Японияда поезд белгиланган жойга ўз вақтида бориши шарт. Агар поезд 35 секундга кечикса, машинист йўловчилардан кечирим сўраб, йўловчиларга билетнинг тўлиқ қиймати қайтариб беради. Бу каби ҳар қандай кечикишлар махсус органлар томонидан текширилади. Поездлар йилига ҳаммаси бўлиб, 50 секунд кечикиши мумкин. Кечикиш ҳолатларида кечирим сўраш билан биргаликда, кечикиш ҳақида маълумотнома беришади⁴.

Япония Адлия вазирлигига ташриф:




Японияда урушдан олдин Адлия вазирлиги шаклланган бўлиб, у ҳуқуқий, суд ишлари, жумладан суд назорати каби суд маъмурий ишларини бошқарган. 1945 йил 15 феввалида “Адлия вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги қонун кучга кириши билан вазирлик тугатилиб, янги Адлия агентлиги ташкил этилган. 1950 йил 1 августдаги маъмурий ислохотлар натижасида Адлия вазирлиги номи тикланиб, қайта ташкил этилган.

² https://www.rome2rio.com/s/Tokyo-Narita-Airport-NRT/T%C5%8Dky%C5%8D-Station?source=adwords&gadsour ce=1&gad_campaignid=760766595&gbraid=0AAAAADm27_bjFgQYXQF2ed6QMhMcIX46w&gclid=EAIaIQobChMI6IXjy OSQjQMV4KODBx1OGg0iEAAYAiAAEgLPevD_BwE

³ Ўша ерда. <https://www.rome2rio.com/s/Tokyo-Narita-Airport-NRT/T%C5%8Dky>

⁴ https://www.youtube.com/shorts/x_B67_f2IsY

Вазирликда 2015 йил 10 апрелдан бошлаб ташкилий ўзгаришлар бўлган.



Япония Адлия вазирлиги музейи ва “Хабарлар галлерияси”:



Музейдаги тарихий материаллар:



Судья кийими

Прокурор кийими

Адвокат кийими

Япония провинцияларида жиноятчиларга қўйилган тамғалар:




Тамғаларнинг кўриниши:



Япония Адлия вазирлиги Фукаролик ҳукуқи бошқармаси бошлиғи ЦУТОМУ ТАКЭУТИнинг Япония нотариат тизими ҳақидаги маърузасида Ўзбекистон делегацияси иштироки:



Япония Адлия вазирлигининг Тадқиқот ва малака ошириш институти⁵:



⁵ https://www.moj.go.jp/EN/housouken/housou_index.html

Институт директори ТАРО МОРИНАГА билан учрашув:




Тадқиқот ва малака ошириш институти 1947 йилнинг 16 апрелида қабул қилинган Япониянинг “Судлар тўғрисида”ги 59-сонли Қонунининг 14-моддасига мувофиқ Япония Олий суди ҳузуридаги ўқув муассасаси сифатида ташкил этилган. Институт судьялар малакасини ошириш билан шуғулланган.

Мазкур институт бугунги кунда Япония Адлия вазирлиги ҳузурида бўлиб, унинг таркибида бир нечта: Тадқиқот, Малака ошириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг малака ошириш бўйича ҳамкорлик, Халқаро ҳамкорлик ҳамда Умумий ишлар ва режалаштириш департаментлари мавжуд.

Тадқиқот департаменти жиноий одил судлов сиёсати билан боғлиқ бўлган кенг қамровли тадқиқотлар олиб боради. Унинг тадқиқотлари прокуратура, жиноий суд жараёнлари, институционал ва жамоавий тузатишлар каби кенг кўламли соҳаларни қамраб олади.

Мазкур департамент ҳар йили ўзининг тадқиқот ва ўрганиш натижаларига кўра, “Жиноят бўйича Оқ китоб” – “White Paper on Crime” тайёрлайди.



“Жиноят бўйича Оқ китоб”да кўплаб рангли расмлар, диаграммалар ва жадваллар ўз аксини топади⁶.

Малака ошириш департаменти ҳукукий бошқарув бўйича амалий изланишлар олиб боришидан ташқари, Олий прокуратура, Ҳукукий ишлар бўйича бюроси, Реабилитация бюроси ва Иммиграция хизмати агентлигининг

⁶ WHITE PAPER ON CRIME 2023. RESEARCH AND TRAINING INSTITUTE MINISTRY OF JUSTICE JAPAN. https://hakusyo1.moj.go.jp/en/72/WHITE_PAPER_ON_CRIME2023.pdf

штаб квартираси ва саккизта филиали ходимларининг малакасини ошириш учун турли ўқув дастурларини яратади.

Департамент томонидан прокурорлар ва прокурор ёрдамчилари учун бошқарув иши, малака ошириш ва ихтисослаштирилган тренинглар, Ҳуқуқий ишлар бюроси ходимлари, Пробация ҳамда Иммиграция ва Иммиграцион назорат зобитлари, шунингдек янги ишга қабул қилинган ходимлар учун эса бошланғич тренинглар ва ўрта бўғин ходимлар учун оралик тренинглар ўтказилади.



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг малака ошириш соҳасида ҳамкорлик департаменти БМТ билан Япония ҳукумати ўртасидаги келишувга асосан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Узоқ Шарқдаги жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларни тарбиялаш институти фаолиятини (UNA FEI) амалга ошириш учун Тадқиқот ва малака ошириш институти агентлиги сифатида ташкил этилган.

Мазкур департаментга прокуратура, суд тизими, ахлоқан тузатиш ва реабилитация соҳаларидан инструкторлар бириктирилган. Маъмурий ходимлар эса UNA FEIнинг халқаро тренинг ва семинарларни амалга оширишга қаратилган лойиҳаларни режалаштириш ва бошқариш учун масъул.

Институт томонидан ўтказилган халқаро семинар ва курслар бўйича шакллантирилган рўйхат асосида материаллар билан танишишингиз мумкин⁷.



UNITED NATIONS ASIA AND FAR EAST INSTITUTE
FOR THE PREVENTION OF CRIME AND THE TREATMENT OF OFFENDERS

Training Courses/Seminars

- > Schedule
- > Messages from alumni
- > List of International Courses and Seminars

List of International Courses and Seminars


(T: Training Course/ S: Seminar)

5

Part	Type	Date	Main Theme of Course	Outline	Details
185th	T	Sep 12 - Oct 8 2024	Preventing Inmate Abuse and Corruption in Correctional Facilities: Creating a Rehabilitative Prison Environment	Outline	Newsletter 172

- International Training Course on the Criminal Justice
- > Response to Corruption(UNCAC Training Programme)

⁷ <https://www.unafei.or.jp/english/activities/ListCoursesSeminars.html>



Халқаро ҳамкорлик департаменти (ICD) Япония Адлия вазирлигининг халқаро ҳамкорлик фаолияти доирасида тегишли ташкилотлар билан Осиё мамлакатларининг асосий қонун ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қайта кўриб чиқиш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва юридик кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий техник ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади.

Тадқиқот ва малака ошириш институтига (RTI) Осиё давлатларидан ўз мамлакатларида қонун устуворлигини ўрнатиш ва бозор иқтисодиётини ривожлантириш масаласида ёрдам беришни сўраб мурожаатлар келиб тушган. Кўпайиб бораётган сўровларга тўлиқ жавоб бериш ва самарали ёрдам кўрсатиш учун ICD 2001 йилнинг апрель ойида RTI таркибида Ҳуқуқий техник ёрдамга ихтисослашган департамент сифатида ташкил этилган.

Ўшандан бери ҳуқуқий техник ёрдам олувчи давлатлар сони кенгайиб бормоқда: Вьетнам, Камбоджа, Лаос, Мянма, Индонезия, Непал, Шарқий-Тимор ва бошқалар. ICD тегишли ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ҳуқуқий техник ёрдам олувчи мамлакатларнинг эҳтиёжларига мос келадиган турли хил яъни, асосий қонунлар, жумладан Фуқаролик кодекси, Фуқаролик Процессуал кодекси кабиларни ишлаб чиқиш, қабул қилинган қонунларни самарали қўллаш ва улардан фойдаланиш (ўқув материалларини яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва ш.к.)га оид тадбирларни амалга оширган.

Халқаро ҳамкорлик департаменти:



ICDда юридик фанлари доктори (DSc) Рахимов Дониёр Бахтиёровичнинг тақдими:



Халқаро ҳамкорлик департаменти томонидан ташкил этилган семинар ва конференциялар материаллари билан ICD янгиликлари орқали танишишингиз мумкин⁸.

Умумий ишлар ва режалаштириш департаменти Тадқиқот ва малака ошириш институти томонидан олиб бориладиган тадқиқот ва малака ошириш ишларини комплекс режалаштириш, тегишли ташкилотлар билан ҳар томонлама мувофиқлаштириш, тадқиқот, малака ошириш, халқаро малака ошириш ва халқаро ҳамкорлик департаментларига ихтисослашган ёрдам кўрсатиш, шунингдек институт фаолиятига оид ишларни ташкил этиш ва унинг бюджети учун маъсул.

Япония ва Ўзбекистон ҳамкорлиги:



⁸ <https://www.moj.go.jp/content/001415488.pdf>

Япония Адлия вазирлигининг Тадқиқот ва малака ошириш институти билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган эди.

Бугунги кунда, Юристлар малакасини ошириш маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ–80-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 мартдаги 171-сон қарорига асосан **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти** сифатида қайта ташкил этилиб, фаолият олиб бормоқда.



Институт фаолиятининг асосий мақсади — Адлия органлари ва муассасалари ходимлари, юридик хизмат, адвокатура, нотариат, медиация, интеллектуал мулк, суд экспертизаси, архив иши ва иш юритиш ҳамда бошқа соҳа мутахассисларини узлуксиз касбий ривожлантиришнинг замонавий тизимини йўлга қўйиш ҳамда уларни ўқитишни халқаро тажриба ва замонавий таълим стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш.

Шунингдек, Институтда 2025 йил 1 майдан бошлаб, оилавий медиация ишлари бўйича фуқаролар йиғини раислари профессионал медиаторликка бепул ўқитилади.

2025 йил 1 июндан бошлаб эса, “Рақамли институт” платформаси орқали юридик кадрлар тегишли билим ва кўникмалар бўйича касбий текширувдан ўтказилади ҳамда натижасига кўра юридик кадрларнинг компетенция паспорти ва индивидуал касбий ривожланиш дастури тузилади ҳамда ушбу дастур орқали кадрлар малака оширишга йўналтирилади.

Бундан ташқари, 2025 йил 1 июндан бошлаб, мамлакатимизда яратилаётган замонавий бизнес ва тадбиркорлик муҳитида инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида “инглиз ҳуқуқининг фундаментал асослари” бўйича махсус ўқув курсларини йўлга қўйилади, бунда шартнома ҳуқуқи, арбитраж тартиб-таомиллари, инвестиция ҳуқуқи, адвокатлик техникаси, низоларни муқобил ҳал қилиш асослари бўйича ўқув жараёнлари ташкил этилиши таъминланади;

- интеллектуал мулк соҳасидаги кадрларнинг малакасини ошириб бориш ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва улар асосида олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун “IP Management” (интеллектуал мулкни бошқариш) ўқув курсларини ташкил қилиб борилади;

- юридик амалиётда замонавий технологияларни қўллашнинг асосий жиҳатлари, жумладан юридик жараёнларни автоматлаштириш, кенг ҳажмли маълумотларни (big data) таҳлил қилиш ҳамда ҳуқуқий экспертизада сунъий интеллект тизимларидан фойдаланиш бўйича адлия органлари ва юридик хизматлар ходимларининг малакасини ошириш ва уларни юридик соҳанинг рақамли трансформацияси талаблари асосида тайёрлаш мақсадида Legal Tech ва сунъий интеллект комплекс ўқув дастури ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади.

Япония Нотариуслар Миллий ассоциациясига ташриф:



Ташриф давомида ассоциациянинг маъмурий директори ЯМАШИТА ТЕРУТОШИ ва Хорижий ишлар бўйича комитет аъзоси ТАКАСАКИ ХИДЕО нинг Япония нотариат тизими ҳақидаги маърузалари тингланди.

Япониянинг Нотариуслар Миллий ассоциацияси — Япония нотариусларининг профессионал ташкилоти бўлиб, у 1950 йилда ташкил этилган. Ассоциациянинг асосий мақсади — нотариуслар фаолиятини тартибга солиш, уларни қўллаб-қувватлаш, малака ошириш ҳамда нотариуслар учун ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Японияда барча нотариуслар ва нотариал идоралар Миллий ассоциацияга аъзо бўлиши шарт.

Япония Нотариуслар Миллий ассоциациянинг асосий вазифалари:

1. Нотариуслар фаолиятини ишини ташкил қилиш. Ассоциация нотариуслар фаолиятининг қонунга мувофиқ ташкил этилиши, ишлаш шартларини белгилловчи қонунлар ва тартибларни амалда тадбиқ қилишга ёрдам беради.

2. Нотариусларнинг малакасини ошириш. Ассоциация нотариуслар учун тренинглар, семинарлар ва курслар ташкил этиш орқали уларнинг малакасини оширишга қаратилган чораларни кўради.

3. Нотариуслар ўртасида ахборот алмашиш. Ассоциация нотариуслар ўртасида ҳуқуқий ахборот алмашиш, тажриба ва малакасини оширишга йўналтирилган тадбирларни амалга оширади.

4. Қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва таклифлар бериш. Ассоциация нотариуслар фаолиятига оид қонунларни ишлаб чиқади ёки уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар беради.

5. Жамоатчилик билан ҳамкорлик. Нотариуслар Миллий ассоциацияси ўз фаолияти орқали жамоатчилик ва давлат органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилади. Ассоциация нотариуслар орқали турли ҳужжатларни тасдиқлаш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва шундай бошқа хизматлар тақдим этади.

6. Нотариуслар учун ҳуқуқий ҳимоя. Ассоциация нотариусларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади ва уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.



Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси⁹ барча нотариал идоралар нотариусларининг аъзолигига асосланган нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ–5816-сон Фармониغا асосан нотариуслардан иборат ташаббускорлар томонидан 2019 йил 28 декабрь куни ўтказилган II таъсис Конференциясида ташкил этилган.

Нотариал палатасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари:

- хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

- низоларнинг олдини олувчи институт сифатида нотариат ролини мустаҳкамлаш, нотариуслик касби нуфузини ошириш, шунингдек, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг касбий тайёргарлиги ва малакаси оширилишини ҳамда уларнинг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурталанишини ташкил этиш;

⁹ <https://notarialpalata.uz/uz>

- ягона нотариал амалиётни таъминлаш чораларини кўриш, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, ижобий иш тажрибасини оммалаштириш ҳамда уларга услубий ёрдам кўрсатиш;

- тавсиявий характерга эга бўлган нотариал ҳаракатлар бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш;

- аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш;

- давлат органлари, бошқа ташкилотлар билан муносабатларда, судда ва бошқа ҳолларда аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

- хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан қонун ҳужжатларига, касб этикаси қоидалари ва касб мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, хизмат текширувлари ўтказиш ҳамда уларнинг касбига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш ҳақида Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларига таклиф киритиш;


- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан нотариал фаолият масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;

- нотариуслик фаолияти масалалари бўйича (халқаро) илмий-амалий конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ва бошқа тадбирлар ташкил қилиш ва ўтказиш;

- матбаа ва ноширлик фаолиятини йўлга қўйиш (лицензия асосида).

Японияда 507 та нотариус ва 286 та нотариал идора мавжуд. Тасвирда нотариал идоралар, нотариуслар ва котиблар сони келтирилган:





Япония Миллий Нотариуслар ассоциацияси томонидан “29 халқаро нотариуслар конгресси” учун тайёрланган “XXI асрда нотариат тамойилларининг амал қилиши” мавзусида материаллар тўпламида қайд қилинишича, нотариус бўлиши учун Япония фуқароси бўлиши ва балоғат ёшига етган бўлиши керак.

Японияда нотариус бўлиш учун шахс имтиҳон топшириши керак. Имтиҳонда ҳуқуқий билимлар текширилади ва уни топшириш нотариусликка рўйхатга олиш учун шарт саналади. Номзод имтиҳондан ўтгач камида 6 ой давомида шогирд сифатида амалиётда бўлади.

Ўзбекистонда йигирма беш ёшдан кичик ва олтмиш беш ёшдан катта бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган, шу жумладан нотариал идорада камида бир йил стажировка ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон фуқароси нотариус бўлиши мумкин. Судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёки нотариус ёрдамчиси ёхуд адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировкадан ўтиш талаб қилинмайди. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, адлия органларининг иши нотариат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқарув ходими ёки адвокат сифатида камида уч йил ишлаган шахслар, агар уларнинг ваколатлари тугатилган пайтдан эътиборан беш йил ўтмаган бўлса, олти ой муддат стажировка ўтайди.

Японияда судья, прокурор ёки адвокат бўлиб ишлаган шахслар имтиҳон ёки амалиётдан ўтмасдан нотариус бўлиб тайинланиши мумкин. Кўп йиллик ҳуқуқий тажрибага эга бўлган шахслар Адлия вазирлиги томонидан тайинланади.

Японияда нотариус лавозимига тайинланиши учун шахс малакага оид маълум талабларни бажариши ва салбий тавсифга эга бўлмаслиги керак.

Малака талаблари:

1. Нотариус Япония фуқароси ва балоғат ёшига етган бўлиши;
2. Нотариус қуйидаги барча шартларга риоя қилиши керак:
 - а) имтиҳондан ўтганидан кейин 6 ой шогирд сифатида амалиётни ўташи;
 - б) судьялик малакасига эга бўлган, прокурор ёки адвокат бўлиб ишлаган шахслар нотариус лавозимида нотариал имтиҳонидан ўтмасдан ёки тегишли амалий машғулотлардан ўтмасдан тайинланиши мумкин;

в) Адлия вазири нотариусни кўп йиллар давомида юридик хизмат фаолияти билан шуғулланиб келган ва шу орқали судья, прокурор ёки адвокат сифатида ишлаган шахслар даражасидаги билим ва тажрибага эга бўлган ҳамда кенгаш томонидан сайланган шахслар орасидан тайинланиши мумкин.

Нотариус ишдан бўшатишни сўраб мурожаат қилса, белгиланган муддатда содиқлик кафолати ёки ишончлилиқ кафолати депозитини тўламаса ёхуд нотариус 70 ёшга тўлса ёинки жисмоний ёки рухий заифлиги туфайли вазифасини бажара олмаса Адлия вазири томонидан ишдан бўшатилиши мумкин.

Нотариуснинг вафот этиши ёки Япония фуқаролигини йўқотиши, ишламаслиги ёки оғир жинояти учун жазога ҳукм қилиниши ёхуд нотариусга нисбатан банкротлик иши очилиши ёинки нотариусни ишдан бўшатиш бўйича интизомий жазога тортилиши билан ваколати тугайди.

Японияда нотариуслар нотариал ҳаракатларни қуйидаги тамойилларга асосан амалга оширади:


1. Шахсий ва касбий малака;
2. Ҳақиқийлик мажбурияти ва қонунийлик;
3. Холислик;
4. Мустақиллик;
5. Махфийлик мажбурияти ва ш.к.

Одатда нотариал идоралар 3 та нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

1. Нотариал ҳужжатларни тузиш, битимларни тасдиқлаш. Масалан, қарз, олди-сотди, ижара, васиятнома. Уларнинг 50 % дан ошиғини васиятномаларни тасдиқлаш ташкил этади.

2. Хусусий тусда бўлган ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини ва Компанияларнинг Уставини тасдиқлаш;

3. Ҳужжатларнинг тақдим этилган вақтни тасдиқлаш.



Токионинг Хибия шаҳарчаси Касумигасэки нотариал идораси:



Ушбу идора шартнома, топшириқ, далолатнома, ишончнома, ипотека билан боғлиқ ҳужжатларни мурожаат қилувчи хоҳлаган тилида тасдиқлайди.

Умуман, нотариус қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

1. Ҳужжатларни тасдиқлаш. Нотариус хўжалик келишувлари, ҳужжатларнинг тўғрилиги ва тўғри имзоланганлигини текшириб тасдиқлайди.

2. Турли шартномаларни расмийлаштириш. Нотариус қарз, лизинг, олди-сотди шартномалари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлайди.

3. Шартнома шартлари тўғри белгиланганлигини текшириш. Нотариус шартномалар шартлари тўлиқ ва тўғри белгиланганлигини текширади, ҳужжатларнинг амалга оширилишини назорат қилади.

4. Мерос билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш. Нотариус меросни белгилайди ва у билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиради.

5. Шахсга доир маълумотни ёки имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш. Нотариус шахснинг хавфсизликни таъминлаш мақсадида, унга тегишли бўлган ҳужжатларни ёки улардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди.

Нотариал идорага мурожаат қилсангиз, Сизда тасдиқланиши керак бўлган ҳужжатдан ташқари, фотосуратингиз туширилган расмий гувоҳнома (паспорт, яшаш гувоҳномаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси) бўлиши керак.

Нотариус томонидан амалга оширилган ҳаракатлар учун тўланадиган тўловлар Нотариат тўғрисидаги Қонун ва Нотариал йиғимлар тўғрисидаги ҳужжат билан белгиланади. Масалан, инглиз тилида ёзилган ишончнома: 9500 йен, инглиз тилида ёзилган шартнома, топшириқ, далолатнома, ипотекага оид ҳужжат: 11500 йен (агар шартнома суммаси 10 миллион йен ёки ундан кўп бўлса: 17000 йен), инглиз тилидаги декларация: 11500 йен ва инглиз тилидаги аффидавит¹⁰: 17000 йен¹¹.

Одатда, бу нотариал ҳаракатлар 30 дақиқа давомида амалга оширилади.

¹⁰ Аффидавит (инглизча аффидавит, лотинча аффидо – “қасамёд қиламан”) – Буюк Британия ва АҚШ қонунларида гувоҳ сифатида қатнашувчи шахснинг ёзма кўрсатмаси ёки баёноти бўлиб, у судда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаганида унинг қасамёд қилиши асосида нотариус ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс томонидан тасдиқланиши. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%90%D1%84%D1%84%D0%B8%D0%B4%D0%B5%D0%B2%D0%B8%D1%82>. Агар шахс қасамёд қилмаса ушбу ҳужжат эмас балки шахснинг имзоси тасдиқланади.

¹¹ <http://www.kasumigaseki-notary.tokyo/blankpage5.html>

Японияда нотариуслар нотариал ҳаракатларни куйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширади:

1. Япониянинг “Нотариат тўғрисида”ги қонуни. Бу қонун нотариусларнинг фаолияти, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек нотариус томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракат, шу жумладан ҳужжатларни тасдиқлаш ва шартномаларни расмийлаштириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Мазкур қонуннинг 1-моддасига кўра, нотариуслар жамоа ёки бирор манфаатдор шахснинг сўровига кўра, куйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

1) ҳуқуқий ҳужжатга ёки хусусий ҳуқуққа тегишли бўлган бошқа фактларга нисбатан нотариал тасдиқланган ҳужжатни яратиш;

2) хусусий воситани сертификатлаш;

3) таъсис ҳужжатларини сертификатлаш;

4) электрон ёки магнит ёзувларни (электрон шаклда, магнит шаклда ёки компютерлар ёрдамида маълумотларни қайта ишлашда фойдаланиладиган инсон сезги органлари томонидан идрок этилмайдиган ҳар қандай бошқа шаклда ёзилган ёзувларни) сертификатлаш¹².

2. Япониянинг Фуқаролик Кодекси. Бу кодекс фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, шу жумладан шартномалар ва уларнинг нотариус томонидан тасдиқланишини тартибга солади. Мерос ва мулкни бошқариш билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар ҳам ушбу кодекс асосида ҳал этилади.

Япония Фуқаролик Кодексининг 95-моддасига асосан шартнома – тарафлар ўртасидаги келишувга асосланган ҳуқуқий муносабат. Шартнома – икки ёки бир нечта тарафнинг ўзаро келишуви асосида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатдир. Шартнома тузиш учун тарафларнинг келишуви зарур.

Япония Фуқаролик Кодексининг 415-моддасида мажбуриятлар тушунчаси тарафлар орасидаги шартнома ёки қонунга асосланган, муайян ҳаракатларни бажаришга бўлган вазифа сифатида ифода этилган.

Япония Фуқаролик Кодексида мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг бир нечта усуллари кўрсатилган бўлиб, улар қарздорнинг мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажаришини таъминлашга қаратилган.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари кафолат, гаров, кафиллик, ижара ва ҳуқуқни ўтказиш кабиларни ўз ичига олади.

Кафолат – шахснинг (кафил) бошқа шахснинг (қарздор) мажбуриятларини бажариши ёки қарзни тўлашга кафолат бериши. Агар қарздор ўз мажбуриятларини бажаришда муваффақиятсизликка учраса, кафил унга ёрдам беради яъни, ўзганинг қарзини тўлашга ёки мажбуриятини бажаришга мажбур бўлади.

Гаров – қарздорнинг мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқини мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш учун бошқа шахсга (гаров олувчига) бериши. Агар қарздор ўз мажбуриятини бажаришда муваффақиятсизликка учраса, гаров олувчи ушбу мол-мулкни сотиш ёки фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

¹² <https://www.japaneselawtranslation.go.jp/ja/laws/view/2619/en>

Кафиллик – қарздор ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаса ёки бажаришда муваффақиятсизликка учраса, ўзга шахс тузилган шартномага асосан унинг мажбуриятини бажаришга мажбуриятли бўлиши.

Ҳуқуқни ўтказиш – бир шахснинг (кредитор) ҳуқуқини бошқа шахсга (янги кредиторга) бериши. Унга асосан, янги кредитор қарздордан қарзни тўлаш ёки мажбуриятни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ижара – қарздорнинг мажбуриятларни бажаришини таъминлаш учун ижара шартномасини тузиши.

Ижара шартномаси – ижара берувчи томонидан мол-мулкни ижарачиларга фойдаланиш учун бериши ва ижарачи томонидан эса бунинг эвазига ижара пулини тўлашини ифодаладиган шартнома.



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 259-моддасида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари қайд қилинган бўлиб, унга асосан мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатлат ҳамда қонунчилик ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Шунингдек, Фуқаролик Кодексининг 259¹-моддасида, кредиторларнинг талабларини қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулки ёки ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ҳисобидан қаноатлантиришга оид нормалар белгиланган.

Назаримда, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш каби олинган мажбуриятлар лозим даражада бажарилиши учун уларнинг ўзи хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таъминлаш усуллари қўллаш зарур.

Масалан, ишларни бажариш билан боғлиқ мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун иш бажарилиши кечиктирилганда шунга мутаносиб равишда қилинган иш учун тўландиган ҳақни “Мутаносиб камайтириш” таъминлаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолат ишларнинг кечиктирилмасдан ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, кредитор учун қарздор томонидан ишларнинг ўз вақтида бажарилишини муҳим. Зеро, қарздор томонидан мажбурият кечиктирилса ёки кечиктириб бажарилса, у кредитор учун ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлашга тарафларнинг “Манфаатлар муштараклиги”ни таъминловчи усулларни тадбиқ этиш учун Ўзбекистонда ҳуқуқий ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2025 йил 27 январь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой қурилиши соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотурар жой объектларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-11-сонли Фармонининг 2-қисми и) хатбошисида “объектнинг қурилиш-монтаж ишлари ўз вақтида тугалланмаган ва ундан фойдаланиш учун рухсатнома

олинмаган тақдирда ҳар бир кечиккан кун учун алоҳида қатъий белгиланган жарималар жорий қилинади ва шартнома юзасидан муддатлар фақат улушдорнинг розилигини олган ҳолда қўшимча шартнома тузиш орқали узайтирилади. Бунда, объект лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган муддатдан олти ой ўтгандан кейин фойдаланишга топширилган тақдирда, улушдор “эскроу” ҳисобварағидаги депонентланган маблағларни улушли шартномани бир томонлама бекор қилиш орқали қайтариб олиши мумкин”лиги қайд қилинди.

Қайд қилиш лозимки, “Эскроу” қурилиш-монтаж ишларини билан боғлиқ шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи самарали усул ҳисобланади.

3. Япониянинг Тижорат кодекси. Бу кодекс тижорат муносабатларига оид нотариуслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган операциялар, жумладан ширкатлар ва уларнинг шартномаларини расмийлаштиришни тартибга солади.

4. Нотариатнинг хўжалик фаолиятига оид қонунлар ва расмий тўпламлар – Японияда нотариуслар фаолиятини амалга ошириши учун махсус вазирликлар томонидан чиқарилган расмий ҳужжатлар ва қўлланмалар.

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат нотариал идорасида ишлайдиган ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига асосан, давлат нотариал идоралари Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилади ва тугатилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасига кўра, нотариуслар қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

- 1) битимларни тасдиқлайди;
- 2) васиятномаларни тасдиқлайди;
- 3) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;
- 5) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
- 6) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
- 6¹) медиатор вазифасини бажаради;
- 7) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
- 8) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;

- 9) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- 10) кўчмас мулк очик савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
- 11) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 12) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 12¹) юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлайди;
- 12²) далилларни таъминлайди;
- 13) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
- 14) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- 14¹) муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объекти тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- 14²) электрон ҳужжатнинг қоғоз шаклидаги ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга эканлигини тасдиқлайди;
- 15) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари ва (ёки) бошқа ҳужжатларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;
- 16) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;
- 17) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;
- 18) пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;
- 19) ижро хатларини ёзади;
- 20) векселларнинг протестларини амалга оширади;
- 21) денгиз протестларини амалга оширади;
- 22) нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради.

Нотариуслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Давлат нотариал идораси ёки хусусий нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга.

Ўзбекистонда бугунги кунда фуқаролар нотариусларга “Электрон нотариус” орқали ¹³ ҳам нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг улар “**е-нотариус.уз**” сайтига кириб, ўзи учун қулай вақтда, хоҳлаган нотариус қабулига ёзилишлари мумкин.

Портал имкониятлари

-  **Менинг нотариал ҳаракатларимни қидириш**
Ўзингиз иштирок этган нотариал ҳаракатларингизни қидириш
-  **Нотариал ҳаракатни расмийлаштириш**
Нотариал ҳаракатни видеоконференцапоқа орқали ёки нотариус билан шахсан учрашиб расмийлаштириш
-  **Мулкка бўлган тақиқни текшириш**
Кўчмас мулк, автомобилотранспорт ва агротехникаларга мавжуд тақиқларни текшириш
-  **Нотариусни қидириш**
Харитада энг яқин нотариус ёки нотариал идорани топиш



-  **Электрон мурожаат**
Олди-сотди, айирбошлаш ёки ҳаёга яшиш учун электрон ариза бериш
-  **Хизматлар бўйича маълумот**
Ўзингиз ўқиниётган хизмат бўйича маълумот олиш
-  **Ишончномаларни қидириш**
Белгиланган мезонларга мувофиқ ишончнома ҳолатини текшириш
-  **Қабулга ёзилиш**
Ўзингизга қулай вақтда ва Сиз истаган нотариус қабулига ёзилиш

¹³ <https://e-notarius.uz/index>

Японияда нотариал ҳужжат электрон шаклда эмас, балки қоғоз шаклида тайёрланиши лозим.

Япония қонунчилигига мувофиқ электрон нотариал тасдиқлаш юзасидан ҳаракатлар электрон таъсис ҳужжатларининг ҳақиқийлиги ва электромагнит ёзувлар сана маълумотларини белгилаш билан чекланади.

Японияда нотариус бўлишни хоҳловчи шахсларнинг таълим олиши ва малака ошириши тартиби.

Японияда нотариус бўлишни хоҳловчи шахсларнинг таълими ва малака ошириши мураккаб ҳамда узоқ давом этадиган жараён бўлиб, кўп босқичли ва аниқ талабларга асосланган.

1. Бошланғич таълим.

Японияда нотариус бўлиш учун аввало ҳуқуқий таълим олиш керак. Бу одатда юрист (ҳуқуқшунос) ёки юриспруденция соҳасида тўлиқ маълумотга эга бўлишни талаб қилади. Таълим якунлангач имтиҳон топширилади.


2. Нотариус бўлиш учун имтиҳон топшириш.

Нотариус бўлиш учун топшириладиган имтиҳонлар юриспруденция, нотариал амаллар ва бошқа ҳуқуқий соҳаларни қамраб олади. Имтиҳондан муваффақиятли ўтиш нотариусликка қабул қилинишнинг асосий шартидир.

3. Амалиётни ўташ.

Нотариус бўлишни хоҳлаган номзод имтиҳон топширганидан кейин амалиётни ўташга киришиб, ўз тажрибасини орттириши учун малака ошира бошлайди. Бунда, юқори даражадаги малакали нотариуслар билан ишлаш ва назарий билимларни амалиётга тадбиқ қилишни ўрганиш керак бўлади.

Японияда нотариуслар малака ошириши ўта мураккаб ва маъсулиятли жараён бўлиб, бунда улар ҳар доим ўз билим ва қобилиятларини янги талабларга мослаштириб боришга мажбур.



Малака оширишни Япония Нотариуслар ассоциацияси ташкил этади.

Японияда тўғри маънода “мажбурий” таълим йўқ, лекин Миллий нотариал ва ҳудудий нотариал ассоциациялари нотариуслар малакасини ошириш ҳамда нотариал тасдиқлаш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш мақсадида турли ўқув машғулотларини ўтказади.

Одатда, Японияда нотариуслар “Кузги” ва “Баҳорги” мавсумий малака оширадилар. Бу малака ошириш жараёни сентябрь ва март ойларига тўғри келади. Ушбу ойларда малака оширишга оид дастурлар ўтказилиши, шунингдек янги қонун ва қоидаларни ўрганиш учун энг яхши даврдир.

Бу ойларда нотариуслар турли курслар ва малака ошириш тадбирларига қатнашадилар. Малака ошириш курслари нотариусларнинг фаолияти ва ҳуқуқий билимларини замонавий талабларга мослаштиришга йўналтирилган.

Японияда нотариусларнинг малака ошириш курслари дастурига бир қатор муҳим ва мураккаб мавзулар киритилиши мумкин.

Масалан: 1-Мавзу: Япония фуқаролик ва савдо ҳуқуқи.

Нотариуслар ўз фаолиятини амалга оширишда фуқаролик ҳуқуқи – шартномалар, ижара ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, савдо ҳуқуқи – тижорат шартномалари, товарлар ва хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги келишувларга оид бўлган қонунларни теран билишлари шарт.

2-Мавзу: Нотариал ҳаракатларнинг ҳуқуқий асослари.

Нотариусларнинг малакасини оширишдан кўзланган асосий мақсад – нотариал ҳаракатларнинг ҳуқуқий асослари ўргатиш орқали уларни тўғри ва қонунга мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш.

Бунда, нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириши жараёнида ҳолатни текшириши, тўғри ҳуқуқий хулосалар чиқариши, ҳар хил турдаги ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри шаклда тайёрланиши ва тасдиқланишига оид билим ҳамда кўникмаларини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

3-Мавзу: Мерос ва васиятга оид қонунлар.

Японияда нотариуслар мерос ва васият билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун нотариусларнинг малакасини оширишда мерос ҳуқуқи ва васиятга оид қонунлар ҳамда тартиблар ўргатилади.

4-Мавзу: Ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрилиги ва имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш.

Нотариуслар томонидан турли хил ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғрилиги ва имзоларнинг ҳақиқийлиги тасдиқланиши шарт. Масалан, ёзма шартномалар, ипотека ёки мол-мулкни сотишга оид келишувларни тасдиқлаш ёки кредитларнинг қонунийлигини текшириш ва шартномаларни расмийлаштириш – қарорлар ва тўловларни тасдиқлаш.

Бунинг учун нотариуслар ҳужжатларнинг қонунийлиги, уларнинг мазмуни ва расмийлаштирилиши тартибини мукамал билиши зарур.

5-Мавзу: Қонундаги янгилик ва амалиётдаги ўзгаришлар.

Нотариуслар доимо қонунлардаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб, уларга мувофиқлашишлари керак. Шу сабабли, малака оширишда фақат ҳар кунги

ишларнинг муҳим жиҳатлари эмас, балки қонунлар ва ҳуқуқий тизимлардаги янгиликлар ҳам ўргатилиши муҳим.

6-Мавзу: Тадбиркорлик ва тижорат ҳуқуқи.

Нотариуслар, шунингдек тадбиркорлик ва тижорат ҳуқуқи бўйича ҳам малакасини оширишлари керак. Бу, уларга тижорат шартномаларини тўғри амалга ошириш, бизнес ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга ёрдам беради.

Бунда, тижорат шартномалари – компаниялар ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек қарз ва кредит шартномалари – қарз ёки молиявий келишувларни нотариал тасдиқлаш тартибларига эътибор қаратилади.

7-Мавзу: Халқаро ҳуқуқ нормалари.

Нотариуслар тегишли халқаро конвенцияларни билиши лозим. Бу, чет элда тузилган ҳужжат (битим, туғилиш ҳақида гувоҳнома, ва ҳ.к.) ларнинг асли ва таржимасини тасдиқлашда зарур бўлади.

8-Мавзу: Технология ва инновациялар.

Нотариуслар технологияларни, жумладан электрон нотариус ва рақамли имзо технологияларини тушунишлари ҳамда қўллашлари керак.

Рақамли имзо ва электрон нотариус – интернет орқали нотариал хизматларни кўрсатиш, электрон ҳужжатлар билан ишлаш.

Японияда 2021 йилдан бошлаб интернет орқали нотариал хизматлар кўрсатиш жорий этилган, бироқ бу хизматлар чекланган бўлиб, аниқ шартлар асосида амалга оширилади.

Японияда нотариусларнинг малака оширишга қўйиладиган талаблар, нотариусларнинг касбий малака даражасини ошириш ва уларнинг ишини мукаммал амалга оширишни таъминлашга қаратилган.

Нотариуслар ўз малакаларини оширишлари учун қуйидаги умумий талабларга риоя қилишлари лозим:

1. Юридик билимга эга бўлиш ва тажриба орттириш

а) Юридик билимга эга бўлиш:

Нотариуслар малакали бўлишлари учун уларда ҳуқуқий билимлар етарли бўлиши шарт. Нотариус бўлиш учун шахс юридик факультетни тугатиши ёки махсус юридик имтиҳонни топшириши керак.

б) Тажриба орттириш:

Нотариус бўлиш учун, шахс юридик ишларда, хусусан нотариал амалиётларда ишлашга тажриба орттириши керак. Одатда, нотариус бўлиш учун юридик муассасаларда ишлаш талаб қилинади.

2. Давомий таълим ва малака ошириш курсларига қатнашиш.

а) Ҳар йили малака ошириш курсларига қатнашиш:

Японияда нотариуслар малакасини ошириш учун ҳар йили махсус курслар ва семинарларга қатнашишлари талаб қилинади. Бу курслар нотариуслар учун янги қонунлар, ҳуқуқий стандартлар ва нотариал ишларнинг мукаммал амалга оширилишини таъминлашга қаратилган.

б) Курслар ва семинарлар:

- Курслар нотариусларнинг ҳуқуқий билимларини ва нотариал амалиётларини мукаммаллаштиришга ёрдам беради.

- Семинарлар, юридик қонунлардаги ўзгаришлар, янги қонунларнинг амалга оширилишига оид билимларни қамраб олади.

3. Қонунларнинг тез ўзгаришига мослашиш.

а) Янги қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзлаштириш:

Нотариуслар малакасини оширишда уларга қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришлар бўйича билимлар берилади. Бу, нотариусларнинг ишини замонавий ҳуқуқий талабларга мослаштиришга имкон беради.

б) Шартнома ва ҳужжатларнинг қонунийлиги:

Малака ошириш жараёнида нотариуслар янги қонунлар асосида шартномалар ва нотариал ҳужжатларни тўғри тайёрлашни ўрганишади.

4. Нотариуслик амалиётининг этика ва профессионал стандартлари.

а) Касб этикасига риоя қилиш:

Нотариуслар малакасини оширишда уларнинг касбий этикага риоя қилиши билан боғлиқ масалаларга ҳам эътибор қаратилади. Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга оширишда мустақиллик ва адолатни таъминлашга ҳамда тўғри ҳуқуқий ҳулосалар беришга мажбур.

б) Профессионал стандартлар:

Нотариус амалиёти белгиланган этика ва профессионал стандартларга мос келиш талаб қилинади. Бу, нотариуснинг шахсий ва касбий обрўсини таъминлайди.

5. Электрон нотариуслик ва технологиялардан фойдаланиш.

а) Рақамли имзо ва электрон нотариус:

Замонавий технологиялардан, жумладан электрон ҳужжатларни тасдиқлаш ва рақамли имзо тизимларидан фойдаланишга қаратилган билимлар оширилади.

б) Интернет орқали нотариус хизматлари:

Электрон имзолар ва нотариал хизматларни онлайн амалга ошириш қобилиятига эга бўлиш талаб қилинади.

6. Халқаро ҳуқуқ ва шартномалар.

Халқаро ҳуқуқни тушуниш:

Нотариуслар халқаро шартнома ва келишувларни кўриб чиқишда тўғри ҳулоса бериш учун халқаро ҳуқуққа оид билимларга эга бўлишлари керак.

Япония нотариуслари халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқларга оид малака ошириш курсларига қатнашишлари талаб қилинади.

7. Нотариуслар ассоциацияси талабларига риоя қилиш.

Ассоциация талаблари:

Нотариуслар малакасини оширишда Япония Нотариуслар ассоциациясининг стандартларига амал қилишлари керак.

Ассоциация нафақат малака ошириш курсларини ташкил қилади, балки нотариуслар учун қонунлар, амалиёт ва этика қоидалари бўйича йўриқномаларни ҳам ишлаб чиқади.

Ўзбекистонда юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш



Ўзбекистонда юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан амалга оширилади.

Мазкур институт:

- адлия органлари ва муассасалари ходимлари, юридик хизмат, адвокатура, нотариат, суд экспертизаси, архив иши ва иш юритиш, ижро интизоми, мурожаатлар билан ишлаш, медиация ва интеллектуал мулк соҳалари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш;
- умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлардан дарс берадиган, олий ноюридик маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш, шунингдек профессионал ва олий таълим тизимида ҳуқуқий фанлардан дарс берадиган педагог кадрларнинг белгиланган даврийликка мувофиқ малакасини ошириш;
- юридик ва ноюридик соҳаларда фаолият юритувчи давлат хизматчилари, хусусий сектор ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган ўқув курсларини ташкил қилиш;
- ташкилотларнинг ички ҳужжатлари, иш юритиш тартиблари, шартномавий муносабатлари ҳамда ходимларининг касбий билим ва кўникмаларини юридик жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда, ташкилотларнинг тегишли мутахассисларини талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб шартнома асосида манзилли ўқитиш;
- халқаро миқёсда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини муносиб ифода эта оладиган юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш каби вазифаларни амалга оширади.

Шунингдек, Институтда давлат ҳуқуқий сиёсати соҳасида яхлит илмий тадқиқотлар тизимини яратиш мақсадида тегишли ихтисосликлар, шу жумладан архив иши ва иш юритиш соҳаси бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражаларига эга бўлиш учун ташкил этиладиган олий таълимдан кейинги таълим ҳам амалга оширилади.

ЯПОНИЯ ҲАҚИДА

Япония – Шарқий Осиёдаги Япония денгизи, Хитой, Шимолий ва Жанубий Корея ҳамда Россиянинг шарқида Тинч океанида жойлашган 6852 та оролдан иборат бўлган давлат.

Япония сейсмик фаол ҳудудда жойлашган бўлиб, ер силкинишлари жуда тез-тез юз беради. Япония иқлими – нам. Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Японияда робот техникаси ва электроника, автомобилсозлик ҳамда кemasозлик ва қишлоқ хўжалиги жуда ривожланган.

Японияда хорижий тиллар кенг талқалмаган чунки, аҳолининг 98,4% этник японлар. Японлар барча жабҳаларда қоида ва тартибни ҳуш кўришади. Япония энг хавфсиз бешта давлатдан бири, кўча жиноятчилиги деярли йўқ.



Японлар асл номи – “Нихондзин”, тили – “Нихонго”. “Ниппон” ва “Нихон” сўзлари “қуёшнинг чиқиши” деган маънони англатсада, кўпинча “Қуёш кўтарилаётган мамлакат” деб таржима қилинади.

“Сакура” дарахти Япония рамзларидан бири ҳисобланади.



Бундай рамзлар бошқа давлатларда ҳам қўзатилади. Масалан, Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти рамзларидан бири “Гужум”дир.

Японияда март-апрель ойларида “Сакура” гуллайди.

Сакура гуллари тасвири¹⁴ Япониянинг 100 йен тангасига ҳам туширилган.

¹⁴ Япониянинг Тотиги префектурасида **Сакура** номидаги шаҳар мавжуд, шаҳарнинг байроғи ва гербига Сакура гули тавсири туширилган. [https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A1%D0%B0%D0%BA%D1%83%D1%80%D0%B0\(%D0%A2%D0%BE%D1%82%D0%B8%D0%B3%D0%B8\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A1%D0%B0%D0%BA%D1%83%D1%80%D0%B0(%D0%A2%D0%BE%D1%82%D0%B8%D0%B3%D0%B8))



Аммо сакурадан ҳайратланиш учун Японияга боришингиз шарт эмас. Сиз сакурани ўзингизнинг боғингизда етиштиришингиз мумкин, чунки бу гўзал дарахтнинг баъзи турлари мамлакатимизда ҳам ўсади. Масалан бизда эрта баҳор гуллайдиган олча, гилос, ўрик, бодом гуллари сакуранинг гулига жуда ўхшаш¹⁵.

Япония аҳолиси 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра 126.070.518 кишини ташкил этди. Японларнинг ўртача бўйи 170 см. (160-180 см.).

2024 йил ҳолатига кўра, Японияда ўртача умр кўриш 85,15 ёшни ташкил этади, у 2023 йилга нисбатан 0,14 фоизга ошган¹⁶.

✓ Мамлакатдаги энг кекса аёл 117 ёшда, у Фукуока префектурасида яшайди. Энг кекса эркак эса 110 ёшда, у Нара префектурасида яшайди.

Эҳтимол, японияликларга жуда ҳам кексаликка қадар яшаш имконини берувчи энг муҳим нарса – бу ҳаётга бўлган муҳаббатдир¹⁷.

Таъкидлаш жоизки, Япон файласуфлари томонидан инсонлар узоқ ва бахтли яшашини таъминловчи ҳаётбахш мақсадини англатишга қаратилган – “Ҳаётда Сизнинг мақсадингиз Япон фалсафаси” каби фалсафалар яратилган.

Шулардан бири узоқ умр кўриш ва бахтли ҳаёт кечиришнинг япон сирини ўзида ифода этадиган “**IKIGAI**” фалсафасидир.

“**IKIGAI**” фалсафасига кўра, “Яшаш учун сабаблар”:

Биринчи сабаб: Сиз ёқтирадиган нарса – “Ҳис-туйғу” ёки “Бурч”.

Иккинчи сабаб: Дунёда керак бўладиган нарса – “Бурч” ёки “Иштиёқ”.

Учинчи сабаб: Нима учун сизга тўлашади – “Касб” ёки “Иштиёқ” учун.

Тўртинчи сабаб: Сиз қайси жабҳада яхшисиз – “Ҳис-туйғу” ёки “Касб”.

Демак, яшашингиз учун сабаблар:

- | | |
|---------------------------------|------------------------------|
| 1. Сизнинг иштиёқингиз. | 2. Сизнинг мақсадингиз. |
| 3. Сизнинг мамнунлигингиз. | 4. Сизнинг натижангиз. |
| 5. Сизнинг чорлашингиз. | 6. Ўзлигингизни англашингиз. |
| 7. Жамият учун фойдалилигингиз. | 8. Сизнинг қадриятларингиз. |

¹⁵ Сакура – ёввойи олча гули нима учун Японияда алоҳида қадриятга айланган? <https://www.xabar.uz/post/sakura-yovvoyi-o?category=xorij>

¹⁶ https://www.google.com/search?sca_esv=c28229139a5cd36f&sca_upv=1&sxsrf=ADLYWIISqWv6Ez0fgxFH-GsXvcMUefFXJw:1725093625958&q=%D0%A1%D1%80%D0%B5%D0%B4%D0%BD%D1%8F%D1%8F+%D0%BF%D1%80%D0%BE%D0%B4%D0%BE%D0%BB%D0%B6%D0%B8%D1%82%D0%B5%D0%BB%D1%8C%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D1%8C+%D0%B6%D0%B8%D0%B7%D0%BD%D0%B8+%D0%B2+%D0%AF%D0%BF%D0%BE%D0%BD%D0%B8%D0%B8+2024&sa=X&ved=2ahUKEwiFu53G6p6IAxUOJRAIHbUdLwAQ1QJ6BAhEEAE&biw=1242&bih=577&dpr=1.1

¹⁷ Нера японлар дунё бўйича энг узоқ умр кўради? <https://daryo.uz/k/2017/12/21/nega-yaponlar-dunyo-boyicha-eng-uzoq-umr-koradi>

“IKIGAI” японча 生き 甲斐 - “ҳаёт” “арзийди” сўзларининг йиғиндисидир.



“IKIGAI” нинг 10 қоидаси:

1. Доимо фаол бўлинг, ҳаракатдан тўхтаманг (*Ёқтирган ишингиздан воз кечсангиз, ҳаётдаги мақсадингизни ҳам бирдек йўқотасиз*).

2. Шошилманг (*Шошилиш ҳаёт сифатига тесқари пропорционалликдир*). Хар ишни шошмасдан қилинг!

Қалбга берманг шошиб озор,
Хар озорнинг жавоби бор.

3. Қорнингизни тўйдириб олманг (*Узоқ яшаш ҳақида ўйласак камроқ ейишимиз лозим*).

4. Яхши дўстлар даврасида бўлинг (*Яшашга энг зўр дори-дармон бу дўстлардир*).

5. Келгуси туғилган кунингизгача соғ бўлинг (*Танангиз узоқ вақт ишлаши учун бироз кундалик парвариш қилинг, машқлар бахт гармонини ишлаб чиқаришига ёрдам беради*).

6. Жилмайинг (*Хурсандчилик дам олишига, дўст ортиришига ҳам ёрдам беради*).

7. Табиат билан ҳамнафас бўлинг (*Қувватни табиатдан олинг*).

8. Шукроналик келтиринг (*Барча барча нарсаларга шукур қилинг*).

9. Бугун билан яшанг (*Ўтмишдан афсусланишни ва келажакдан қўрқилишни бас қилинг*).

10. “IKIGAI” ингиз – Қалбингиз тубидаги хис-туйғуларингиз ортидан боринг)¹⁸.

¹⁸ Ektor Garsia, Fransesk Mirales. **IKIGAY** Uzoq umr ko`rish va baxtli hayot kechirishda yapon siri. -T.: 2023. “ASBO BOOKS”. -170-172 b.

Биз бежизга Япон фалсафасини келтирганимиз йўқ. Чунки, инсон ўз яқинлари томонидан тайзиққа учраб, ёлғизланиб қолиши ёки ишдан ажралиб¹⁹, бандлигини йўқотиши, унинг ҳаётида бўшлиқни пайдо қилади. Бунинг натижасида у турли салбий йўлларга кириб кетиши ёки руҳиятида жиддий ўзгариш юз бериб, дастлаб неврўз, кейин депрессияга учрайди.



Депрессияда ўз-ўзини йўқ қилиш ҳисси²⁰ юзага келиши мумкин.

Депрессия – тушкун кайфият, фикрлар қарахтлиги ва ҳаракатга бўлган мотивациянинг йўқлиги икки ҳафтадан кўп давом этиши.... Баъзиларда, 30 фоиз депрессияга тушган одамлар ўз жонига қасд қилади²¹.

Ўз-ўзини йўқ қилиш ёки ўз жонига қасд қилиш эътиқодимизга зид!

Бир бирингизни эҳтиёт қилинг...

Севинг , тушунинг...

Доимо кечиринг...

Қадрланг...

Ҳаёт ортга қайтмайди...

Яшанг!!! Яшаш – мўжиза. У бир марта берилади ҳалос. Ўзингизни нобуд қилманг!!! Сабр қилинг!!! Энг катта куч – “Сабр”.

Яшаш ҳақида “НИЯТ” қилинг. Ҳаммаси “НИЯТ”га боғлиқ! “Кетиш” ҳақида эса ўйлашга шошманг. Вақти бўлганида албатта “кетасиз”.

Депрессиядан эҳтиёт бўлинг! Депрессиядан чиқишга ҳаракат қилинг!

Бунинг учун:

✓ вақтида ухланг,

✓ дам олинг,

✓ вазиятни ўзгартиринг,

✓ атроф-муҳитни ўзгартиринг ва жисмоний фаолликни оширинг²².

Чарчасангиз енгилишни ўйламанг! Дам олинг!

Ҳаётнинг олтин қондаси: Яша ↔ меҳнат қил ↔ юз йил умр кўр.

Япон халқ мақолида айтилганидек, “Ҳаракатда бўл – юз йил умр кўр”.

¹⁹ Депрессия нима – сабаблари ва даволаш. <https://medall.uz/uzkr/%D0%B4%D0%B5%D0%BF%D1%80%D0%B5%D1%81%D1%81%D0%B8%D1%8F-%D0%BD%D0%B8%D0%BC%D0%B0-%D1%81%D0%B0%D0%B1%D0%B0%D0%B1%D0%BB%D0%B0%D1%80%D0%B8-%D0%B2%D0%B0-%D0%B4%D0%B0%D0%B2%D0%BE%D0%BB%D0%B0%D1%88/>

²⁰ Депрессия (тушкунлик) (1-қисм). Саломатлик журнали (13). [https://parstoday.uz/radio/uncategorised-i67364-%D0%94%D0%B5%D0%BF%D1%80%D0%B5%D1%81%D1%81%D0%B8%D1%8F_\(%D1%82%D1%83%D1%88%D0%BA%D1%83%D0%BD%D0%BB%D0%B8%D0%BA\)_\(1_%D2%9B%D0%B8%D1%81%D0%BC\)](https://parstoday.uz/radio/uncategorised-i67364-%D0%94%D0%B5%D0%BF%D1%80%D0%B5%D1%81%D1%81%D0%B8%D1%8F_(%D1%82%D1%83%D1%88%D0%BA%D1%83%D0%BD%D0%BB%D0%B8%D0%BA)_(1_%D2%9B%D0%B8%D1%81%D0%BC))

²¹ З.Ибодуллаев. Одамлар нега депрессияда. <https://www.youtube.com/watch?v=thon0rJaXyY>

²² Депрессиядан чиқиш учун нималар қилиш лозим? Саломатлик-24 Июнь 2021. <https://qalampir.uz/news/depressiyadan-chik-ish-uchun-nimalar-k-ilish-lozim-41339>

Японлар узок яшашининг 11 сири: ➡ 1. Таомни махсус тайёрлаш;



2. Ўзига хос шўрвалар;
3. Алоҳида гарнирлар;
4. Кўп чой ичилиши;
5. Фақат янги овқат ейиш;
6. Овқатни кам камдан ейиш;
7. Мунтазам ва мажбурий тарзда докторга бориш;
8. Тикка туриш ҳаёт тарзи;
9. Тозалик – ярим саломатлик;
10. Тонгда гимнастика қилиш;
11. Уйдан кўра ташқарида кўпроқ бўлиш.

1. ТАОМЛАРНИ МАХСУС ТАРЗДА ТАЙЁРЛАШ

Мамлакат аҳолиси овқатни панжара, буғлаш ёки қайнатишни афзал кўришади. Агар овқат қовурилган бўлса, у минимал ёғ билан тайёрланади. Овқат бир нечта кичик лycopчaларда тақдим этилади ва пластинкалар кам учрайди. Таомлар кичик таёқчалар билан истеъмол қилинади.



Таом – инсон ва у яшаётган жамият маданиятининг ажралмас қисми²³.

2. ЎЗИГА ХОС ШЎРВАЛАР

Японларнинг шўрвалари кўпроқ денгиз ўтлари, тофу ва денгиз меваларидан иборат бўлган булёнлардир.



➡ Ширин картошка (батат) ва пиёзли мисо шўрваси;



➡ Гўштли рамен шўрваси;



➡ Исмалоқли ва занжабилли шўрва²⁴.

²³ Одилова Г. Дунё адабиётида “таом” ва “тановул” мавзуси. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/gulnoza-odilova-dunyo-adabiyotida-taom-va-tanovul-mavzusi/>

²⁴ <https://korshop.ru/recipe/yaponskaya-kukhnya/yaponskie-supy/>

3. АЛОҲИДА ГАРНИРЛАР

Японияда гуруч ва сабзавотларни гарнир сифатида ишлатишга алоҳида эътибор бериледи.



4. КЎП ЧОЙ ИЧИЛИШИ



Японияда кукун шаклида бўлган ям-яшил - “Матча” номли япон чойи машхур. У имкон қадар фойдали моддаларини сақлаб қолиш учун махсус тарзда ўстирилган ва йиғилган.

“Ҳеч қачон яқин дўстинг ҳақида қорға, ой ё гулга қараб туриб ўйлаганинг каби ўйлай олмайсан” – чой маросими негизида шу ҳиссиёт ётади. Бир пиёла чой устида дийдорлашув – ўша “туйғулар учрашуви”дир. Яқин дўстларнинг қулай фаслдаги диллашуви. Айтгандай, сиз мени “Мингта турна” қиссасида чой маросими руҳи ва қиёфасининг гўзаллигини кўрсатмоқчи бўлган деб ўйласангиз, ундай эмас²⁵.

Кўк чойга Японияда энг оммабоп ичимлик ва қадриятлар бўлаги сифатида қаралади, яна уни соғлиқка ҳам фойдали деб билишади.

Кўк чой фойдалари ҳақида. Ўтказилган тадқиқотлар кўк чойнинг юқори қон босимини пасайтиришини, саратон ва юрак касалликларида фойдали эканлигини исботлаган. Доимий равишда кўк чой ичиб туриш юрак касалликларидан ҳимоя қилади. Бундан ташқари, кўк чой мия фаолиятининг ҳам яхшии ишлашига ёрдам беради. Кўк чойнинг асабни тинчлантириши хусусияти ва диабет хавфини камайтириши ҳам олимлар томонидан ўрганилган²⁶.

²⁵ Ясунари Кавабата. Япония ўзлиги билан гўзал (1968 йил 10 декабрда Стокхольмда – Нобел мукофотини олиш маросимида сўзланган нутқ) <https://ziyouz.uz/jahon-nasri/yasunari-kavabata/yasunari-kavabata-yaponiya-uzligi-bilan-guzal-nobel-maruzasi/>

²⁶ Япон чойлари ва анъанавий чой маросимлари ҳақида нималарни биласиз? <https://kun.uz/kr/news/2020/06/24/yapon-choylari-va-ananaviy-choy-marosimlari-haqida-nimalarni-bilasiz#/>

5. ФАҚАТ ЯНГИ ОВҚАТ ЕЙИШ

Японияда ғарбона ва шарқона овқатлар мавжуд. Уларни тайёр ҳолда ёки ўзингиз пишиб ейишингиз мумкин. Японияда жамоат емакхоналари жуда кўп бўлиб, озгина пулингизга ҳам тўйиб овқатланишингиз мумкин.



Японлар учун янги овқат боғдан янги узулган ёки денгизда тутилган деган маънони англатади. Япония бозорларида озиқ-овқат кўпинча санасиз сотилади, чунки ҳар қандай маҳаллий маҳсулот учун одатий муддат ярим соатни ташкил қилади, деб ёзади “Япон аёллари қаримайди ва семиришмайди” номли китоб муаллифи Наоми Морияма²⁷.

6. ОВҚАТНИ КАМ КАМДАН ЕЙИШ

Овқатлар солинадиган идишлар ҳажмини назорат қилиш япон ошхонаси анъаналарининг бир қисмидир.



Бу мамлакатда одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш жуда муҳим. Унга кўра, овқатланиш учун таёқлардан, кичик идишлардан ва идишнинг мажбурий нормасидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш лозим.

Мамлакатнинг одамларнинг энг узок умр кўрадиган минтақаси Окинавада уларнинг узок умр кўриш сири сеҳрли “80 фоиз” сонидан эканлигини айтишади. Бу дегани, одам тушлик ёки кечки овқатни охиригача емаслиги, ҳар доим идишида озгина қолиши шарт.

7. МУНТАЗАМ ВА МАЖБУРИЙ ТАРЗДА ДОКТОРГА БОРИШ



²⁷ http://loveread.ec/read_book.php?id=50999&p=5

Ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб Японияда мажбурий соғлиқни сақлаш тизими жорий этилди ва шундан бери одамларнинг умр кўриш давомийлиги сезиларли даражада ошди.

Бугунги кунда ҳар бир япониялик клиникага йилига ўртача ўн икки марта ташриф буюради.

8. ТИККА ТУРИШ ҲАЁТ ТАРЗИ

Япон кундалик ҳаётининг одатий қиёфаси: вокзалга бориш, поездни кутиш, вагонда туриш, кейинги станциягача, ишгача пиёда бориш ва кейин яна шу тарзда уйига қайтиш. Ҳаттоки, ишхонасида кўпчилик ходимлар компьютер олдида тикка туриб ишлайди.

Лондон Университетининг иккита олими пиёда юришнинг организмга таъсирини ўрганиш учун 1970 йилдан 2007 йилгача тадқиқотлар мета-таҳлилини ўтказган. Бунда, 500 000 киши иштирок этиб, улар ўртача 12 йил давомида кузатилган. Таҳлил натижаларига кўра, куйидаги хулосага келинган:

Пиёда юришнинг организм учун 7 фойдаси:

✓ **Асаб тизими** – мия фаолияти, ҳаракат ва координацияни яхшилайти, асаб хужайралари кислород билан бойитади, тинчлантиради, уйку меъёрлашади. Депрессия хавфини 30 фоизга, Алсгеймер касаллигини 40 фоизга камайтиради.

✓ **Юрак-қон томирлар тизими** – вегетатив асаб тизимининг ҳолатига таъсири орқали қон босимини камайтиради, юрак фаолиятини яхшилайти. Юриш пайтида оёқ мушакларининг ритмик қисқариши ва бўшашиши қон ва лимфа оқимини фаоллаштиради, томирлар кенгайишининг олдини олади.

✓ **Ҳаракат-таянч тизими** – метоболизмни оширади, ортиқча калорияни йўқотади ва мушак массаси ортади. Юриш таъсири остида суяк тўқимасининг тикланиш жараёнлари фаоллашади, бу суяк минерал зичлигини ошишига олиб келади. Бўғимлардаги оғриқни камайтиради, ҳаракатчанликни оширади, уларни ўраб турган мушакларни кучайтиради.

✓ **Нафас олиш тизими** – ўпка вентеляциясини яхшилайти ва ҳажминини оширади. Кўкрак қафаси мушаклари нафас олиш жараёнига жалб қилинган сабабли ўпканинг экскурсияси кучаяди ва кислород алмашунуви 30 фоизга ошишига олиб келади.

✓ **Овқат ҳазм қилиш тизими** – ўт пуфаги ва ичакларнинг тўлқинли ҳаракатларининг ошиши туфайли ўт қопида тош пайдо бўлишини ва қабзиятнинг олдини олади.

✓ **Эндокрин тизими** – юрганда мушаклар энергияни ёғларнинг оксидланиши ва углеводларнинг парчаланишини ҳисобга олади. Бу ортиқча вазн йўқотишда самарали ва қандли диабет касаллигининг олдини олади.

✓ **Мунтазам юриш иммунитетни мустаҳкамлайди**²⁸.

Японча ҳаёт тарзининг иккинчи муҳим таркибий қисми – юқори фаоллик. Улар кўпроқ велосипедларда ва пиёда ҳаракатланади, автомобилларда эса европаликларга қараганда камроқ юради. Японлар, ҳатто кексалари ҳам гольф-крокет ўйнашни ёқтиради. Тадқиқотларда иштирок этган узоқ умр кўрувчилар

²⁸ <https://daryo.uz/k/2021/10/15/piyoda-yurishning-organizm-uchun-7-foydasi>

кунига камида 10 минг кадам юришни тавсия қилади, бу эса тахминан олти километрга тенг²⁹.

Бу борада **“10 минг кадам назарияси”** мавжуд бўлиб, ушбу назарияни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Британия Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва албатта, дунёга машҳур юз йил умр кўрувчилар мамлакати ҳисобланган Япония халқи ҳам қўллаб-қувватлайди³⁰.

Японияда жамоат транспорти стандарт ҳисобланади. Автомобил эса ҳашамат учундир. Уларни кўз-кўз қилиш учун намоишлар уюштирилади.



Японияда автомобилларнинг аксарият қисми миллий “Нессон”, “Тоёта”, шунингдек у ерда Мерседес ва BMW каби хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган автомобилларни ҳам учратиш мумкин.



Японияда автомобиль сотиб олмоқчи бўлсангиз парковкангиз бўлиши шарт. Акс ҳолда, автомобиль компаниялари Сизга машина сотмайди. Япониянинг Кюсю оролидаги Оита шаҳрида 2023 йилда биринчи марта бошқариладиган учар автомобиль очик ҳавода синовдан ўтказилди.

9. ТОЗАЛИК – ЯРИМ САЛОМАТЛИК

Биз Японияда хизмат сафарида бўлган пайтимизда кўчада бирор бир ташландик нарсани кўрмадик.

Ҳаттоки конфет қоғозини ҳам белгиланган жойдан ташқарига ташлаш мумкин эмас. Агар бирор нарсани ташлашга жой топмасангиз ёнингизда олиб юринг ва меҳмонхонага борганингиздан кейин у ердаги алоҳида ажратилган жойга ташланг. Биз ҳам сафар чоғида худди шундай қилдик.

Японияда тозалikka алоҳида маданият сифатида қаралар экан.

²⁹ Нега японлар дунё бўйича энг узок умр кўради? <https://daryo.uz/k/2017/12/21/nega-yaponlar-dunyo-boyicha-eng-uzoq-umr-koradi>

³⁰ <https://daryo.uz/k/2023/07/10/5-yoki-10-ming-qadam-soglom-bolish-va-ozish-uchun-kuniga-qancha-piyoda-yurish-kerak>

Зеро, япон миллатида “сен фаррошсан, кўча супурасан”, деган гапларнинг бўлиши мумкин эмас. Бу миллат учун фаррошлик қилиш – фахр! Қолаверса, пенсия гаштини сураётган японлар ўз хоҳишлари билан ҳар эрталаб кўча-кўйни, маҳаллани тозалаб, ахлат чиқиндилардан тозалашади³¹.

Эътиқодимизда ҳам тозалик ва поклик юксак даражада қадрланади.

10. ТОНГДА ГИМНАСТИКА ҚИЛИШ

Японияда “**Радио гимнастика**” (Радзю-тайсо)³² деб аталадиган машқ ҳар куни эрталаб бажарилади.

11. УЙДАН КЎРА ТАШҚАРИДА КЎПРОҚ БЎЛИШ

Доимий юриш ва эрталабки умумий гимнастика машқлардан ташқари, япон одатига кўра, тоза ҳавода бўлиш муҳим.

Одатда японлар меҳмонларни уйига эмас (японларнинг яшаш жойлари майдони жиҳатдан жуда камтарона), балки энг яқин ресторанга ёки табиат қўйнига таклиф қилишади.

Табиат қўйнига таклиф қилишса албатта боринг, чунки Япониянинг табиати жуда ажойиб, унинг 26 фоиз ҳудуди дарахтлар ва гуллар билан бурканган. Биз Япониянинг мўжизакор табиатига Нарита аэропортидан Токио шаҳрига борганимизда ёки Токио шаҳри кўчаларини кезганимизда ёхуд Япония оролларига ташриф буюрганимизда гувоҳи бўлдик.



Умуман олганда экологик маданият, жумладан атроф муҳит ва табиатнинг тозалиги японияликлар учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки мамлакатда нисбатан кичик ҳудудда кўп аҳоли истиқомат қилади ва атом бомбасидан омон қолган одамларнинг соғлиғига ғамхўрлик қилиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади³³.

³¹ Намозов А. Алдаркўсалари йўқ мамлакатдан мактуб. <https://xabar.uz/mualliflar/anvar-namozov/aldarkosalar-yoq-mamlakatd>

³² <https://www.google.com/search?q=%D0%AF%D0%BF%D0%BE%D0%BD%D0%B8%D1%8F%D0%B4%D0%B0+%E2%80%9C%D1%80%D0%B0%D0%B4%D0%B8%D0%BE+%D0%B3%D0%B8%D0%BC%D0%BD%D0%B0%D1%81%D1%82%D0%B8%D0%BA%D0%B0%E2%80%9D&oq=%D1%8F%D0%BF%D0%BE%D0%BD%D0%B8%D1%8F&aqs=chrome.1.69i5913j69i57j69i61l3.4391j0j7&sourceid=chrome&ie=UTF-8#fpstate=ive&vld=cid:13a3efa6,vid:wS6OU9PcSQ,st:0>

³³ Табиатга меҳр менталитетга айланмаса экологик тарбия ва маданият ҳеч қачон шаклланмайди ёхуд японлар экология ва атроф муҳитга муносабатни нимадан бошлашган? <https://www.ekogazeta.uz/xabarlar/6315>



Гинкго – атом бомбаси ҳужумидан омон қолган дарахт.

Хиросимадаги портлаш марказидан 2 км. узоқликдаги олтига дарахт омон қолиб, бир йилдан кейин гуллаб, мева берган.

Японлар уларни “умид тимсоли” сифатида ҳурмат қилиб, “ҳибако йумоку” – “омон қолган дарахтлар” деб аташади.



Ўзбекистонда “**Гинкго Билоба**” дарахтининг 12 та туби Тошкент Ботаника боғининг Шарқий Осий қисмида ўсади. Бу дарахт иссиққа, совуққа ва турли газларга ҳам чидамли бўлиб, мутахассисларнинг фикрича, бу доривор дарахт бўлиб, миёни инфаркт ва инсультдан асрар, қон томирларини халистилиндан тозалаб берар экан. Бу дарахтнинг меваси халқ орасида турли, жумладан “Хитой ўриги”, “Кумушранг ўрик” номлари билан машҳур³⁴.



Мутахассисларнинг фикрича “**Гинкго Билоба**” дарахти “Қўшалок баргли билоба” деб аталади. Ўзбекистонда динозаврлар давридан бери яшаб, миллион йиллардан бери ўзгаришсиз сақланиб келади. Бу дарахт тирик аптека бўлиб, 100 дан ортиқ касалликларга даъво ҳисобланади³⁵.

Олимларнинг эътироф этишича, атмосфера мусаффолиги, тупроқ таркиби, зараркунандаларга қарши кураш тизими ва шаҳарлар экзотикасини кўркемлаштиришда мазкур дарахт экотизм учун жуда самарали ҳисобланади. Зеро, олимлар дарахтларга нисбат берар эканлар уни “энг сара ҳаво тозалагич” деб баҳолашади³⁶.

³⁴ Тошкент Ботаника боғи мутахассисларининг эътирофи. https://www.youtube.com/watch?v=7pj-2cI_g08

³⁵ Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган МУ 5 TV нинг 2025 йил 20 февраль куни узатилган “Эфирда Тўрахонов” дастуридаги иштирок этган мутахассис фикри <https://tvinfo.uz/?date=2025-02-20>

³⁶ XXI аср эко дарахти. Оила ва табиат. <https://www.ekogazeta.uz/xabarlar/6902>

Назаримда, дарахтлар ҳаводаги чанг ва ғуборни ютиб, инсонлар яшаши учун зарур бўлган кислородни ишлаб чиқарганлиги ва шу билан бирга японлар дилозорлиги бўлмаганлиги сабабли ҳам 100 ёшдан ортиқ умр кўришса керак.

Шу ўринда беихтиёр Ўзбекистон гимни матнининг муаллифи, шоир, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Ориповнинг қуйидаги шеърини ёдга оламиз.

ТИЛАК

Сино айтган экан,
Чанг бўлмаса гар,
Мингга кирарди, деб,
Инсон боласи.
Дорига ўрганган
Қовундай қайсар,
Чангга ҳам кўникиб
Қолдик чамаси.

Ҳаким бўлмасам ҳам,
Мен айтай сизга,
Узоқ яшамоққа
Бор битта ёрлик:
Мингга бормасак ҳам,
Кирардик юзга,
Дунёда бўлмаса
Гар дилозорлик.



Ибн Сино таълимоти бўйича

хасталикка кўра нима кўпроқ
истеъмол қилиш керак:

- Бел оғриғи учун – Саримсоқ;
- Вазн олиш учун – Калла шўрва суви;
- Юракни бақувват қилиш учун – Олма;
- Сийдик яхши ажратилишига – Селдр;
- Юқори қон босими учун – Ошқовоқ суви;
- Жигар хасталиклари – Гулкарам;
- Юрак “ўйнаши” – Укроп;
- Анемия – Асал;
- Бўғим оғриқлари – Майиз;
- Кўпроқ истеъмол қилинг!



Япон маданияти



Япон маданияти Япония бренди – “Ошин” сериалида намоиш этилган³⁷.

Ўзбек маданияти “Ўтган кунлар” фильмида намоиш этилган³⁸.

✓ **Гашлашиш маданияти.** Японлар доимо паст овозда гапиришади зеро, бу тарбия ҳисобланади, энг катта мерос “тарбия”дир, “табассум” ва “таъзим” қилишади. Энг гўзал кўриниш бу “Табассум”.

Японлар доим жилмаяди. Бу руҳий қувват ва омадсизликка қарши этикетдир³⁹.

Эътиқодимизда ҳам инсонга қилинган “Табассум” садақа эканлиги таъкидланади.

✓ **Суҳбатлашиш маданияти.** Японияда суҳбатлашишнинг ўзига хос маданияти шаклланган.

“Суҳбат жараёнида одамлар “йўқ”, “қилолмайман”, “билмайман” каби сўзларни ишлатишдан қочишади, чунки бу ифодалар ҳақоратга қиёсланади. Уларнинг мазмунини бериш учун ишора, шаъмали сўзлардан фойдаланишади. Ҳатто иккинчи пиёладаги чойни рад этиш учун ишлатиладиган “йўқ, раҳмат” жумласи ўрнига “шуниси ҳам жуда ёқимли бўлди” маъносидаги ифодани қўллашади⁴⁰.

Бу ўринда баланд овозда гапириш ва ш.к. ҳурматсизлик ҳисобланишини айтиш мумкин.

Зеро, эътиқодимизда ҳам нажот топишимиз учун учта нарсага амал қилиши лозимлиги айтилади:

✓ **биринчидан**, тилга эҳтиёт бўлишимиз,

✓ **иккинчидан**, ўз уйимизга сиғишимиз,

✓ **учинчидан**, хатоларимизга йиғлай билишимиз.

Демак, бақир-чақир қилмасдан, тилимизга эҳтиёт бўлиб гаплашишимиз, айниқса ёши катта ва кекса инсонларни ҳурмат қилишимиз керак.

³⁷ <https://uzmovi.tv/tarjima-kinolarri/1799-oshin-oshin-serial-seriali-ozbek-uzbek-tilida-barcha-qismlari/episode/12723/72.html>

³⁸ https://www.google.com/search?sca_esv=109f214143aab34f&udm=7&sxsrf=AHn8zq29lv7HKHC163au-SQS7mZ4iKdKQ:1740934510827&q=%D1%9E%D1%82%D0%B3%D0%B0%D0%BD+%D0%BA%D1%83%D0%BD%D0%BB%D0%B0%D1%80+%D1%84%D0%B8%D0%BB%D1%8C%D0%BC%D0%B8&sa=X&ved=2ahUKEwir-eC47uuLAXswAIHHfxzLOkQ8ccDegQIXBAD&biw=1366&bih=635&dpr=1#fpstate=ive&ip=1&vld=cid:5757e499,vid:b7ahyss6ajo,st:0

³⁹ <https://www.youtube.com/watch?v=wEfrdCnL4hE>

⁴⁰ В. Овчинниковнинг “Сакура новдаси” китобидан олинган япон маданиятига оид сатрлар // Мулоқот одоби қаерда қолди? <https://www.xabar.uz/jamiyat/muloqot-odobi-qaerda-qoldi>

Ўзбек жамиятидаги осойишталикка асосий сабаб – бу ёши катта ва кекса кишиларга ҳурмат-эҳтиром⁴¹.

Японлар вақтни жуда қадрлашади. Шундай бўлсада, агар ёрдам сўрасангиз худди “қўлингиздан ушлагандек” олдингизга тушиб, айтган жойингизни кўрсатиб қўйишади ва ўз йўлига кетишади.

Биз ҳам вақтни қадрлашимиз, умрни бекорга увол (исроф) қилмасдан яхши амаллар қилишга шошилишимиз шарт. Зеро, эртага кеч бўлмасин.

Пулни қўл билан ушламанг, кўзга тик қараб гаплашманг – **“Кунчиқар юрт”нинг ғаройиб одатлари:**

Япония одоб-ахлоқ қоидалари ниҳоятда қийин бўлган мамлакат. Гарчи оддий ҳаракатларни японлар тантанага айлантиргандек туюлсада, аммо бу қоидалар ҳеч кимга малол келмайди.

✔ **Лифтда.** Агар бўш лифтга биринчи бўлиб сиз кирсангиз лифт капитани бўласиз ва сизнинг жойингиз клавиатура, яъни босиладиган тугмачалар ёнида бўлади. Ҳамма лифтга киргунча тугмачани сиз охириги қаватгача “бошқариб” турасиз.

✔ **Метро** – замонавий шаҳарларнинг ҳаёт томири! ⁴²

Метрода ҳамма нарсa қатъий: вагонларда ҳам “жонли”, ҳам телефонда гаплашиш, атрофдагиларга қараш одобсизлик.

Токио метроси 1927 йили Европа ер ости темир йўлларида илҳомланиши натижасига кўра япон тадбиркори Хаякава Норитсугу томонидан қурилган.

Токиода метро станциялари баланд уйларнинг остида жойлашган.



Токио метроси йилига ташиладиган йўловчилар сони бўйича дунёда биринчи ўринда туради - 3,1 млрд. (кунига 8,5 млн.) йўловчи.

⁴¹ Киоко Накаяма. Ўзбекистон Сакуриси (2008). <https://ziyouz.uz/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/kioko-nakayama-uzbekiston-sakurasi-2008/>

⁴² “Метро” атамаси илк бор Париж ерости транспорт тизими қурилгандан сўнг пайдо бўлади. Париж метросини қуришни ўз зиммасига олган инглизларнинг “Метрополитан” сўзи транспортга нисбатан ҳам ишлатилади. “Метрополитан” сўзи юнончадан “она шаҳар” (матер – она, полис – шаҳар) маъносини билдириб, асосан, пойтахт шаҳарга нисбатан қўлланилган. <https://ishonch.uz/news/metro-zamonavi-saarlarning-at-tomi>

Токио метроси 304,5 км. иборат бўлган 290 станцияга эга, баъзи метро станциялари ердан 6-50 метр (131-164 фут) чуқурликда жойлашган бўлиб, ўзига хос ранги ва лотин харфлари билан ажратилган 13 шахобчадан иборат.

Цвет линии	Знак	Номер линии	Название	На японском
Tokyo Metro				
оранжевый	G	Линия 3	Линия Гиндза	銀座線
красный	M	Линия 4	Линия Маруноути	丸ノ内線
			Линия Маруноути (ответвление)	丸ノ内線分岐線
серебряный	H	Линия 2	Линия Хибия	日比谷線
голубой	T	Линия 5	Линия Тодзай	東西線
зелёный	C	Линия 9	Линия Тиёда	千代田線
светло-коричневый	Y	Линия 8	Линия Юракүтё	有楽町線
пурпурный	Z	Линия 11	Линия Хандзюмон	半蔵門線
бирюзовый	N	Линия 7	Линия Намбоку	南北線
коричневый	F	Линия 13	Линия Фукутосин	副都心線
Toei Subway				
розовый	A	Линия 1	Линия Асакуса	浅草線
синий	I	Линия 6	Линия Мита	三田線
салатовый	S	Линия 10	Линия Синдзюку	新宿線
фиолетовый	E	Линия 12	Линия Оэдо	大江戸線

Метрога кириш ва чиқиш белгилари кўрсатилган.



Японияда метронинг ишлаш вақти одатда эрталаб соат 5-00.дан кечкурун соат 12-00.гача бўлиб, ҳар бир йўналишга муайян нархдаги билет сотиб олиш лозим. Масалан, вояга этганлар учун километридан келиб чиққан ҳолда 180 (болалар учун 90) дан 330 йенгача (1,3 дан 4 долларгача) бўлиб, у сотиб олинганидан бошлаб 24 соат амал қилади.



Adult



Child

Японлар метро поездларида аксарият ҳолларда бир бири билан гаплашишмасдан тинчликни сақлашга ҳаракат қилишади, бироқ барча жойда одатга айлангани каби телефондан фойдаланишади.



Токиода яшайдиган 37 млн. фуқароларнинг аксарият қисми метрода юрганлиги учун бир қатор қулайликлар яратилган, жумладан метро йўналиши ва станцияси доимий равишда кўрсатиб турилади, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида поезд билан фуқаролар ораси тўсилган, маълум бир вақтда аёллар ва ногиронлар учун алоҳида белгилар қўйилган ва вагонлар ҳам ажратилган.





Тошкент метрополитенини куриш ишлари 1972 йилнинг июль ойида бошланиб, 1977 йилда тугалланган ва ишга туширилган.

Ҳозирги кунда Тошкент метрополитенининг умумий узунлиги 70 км. дан ортиқ бўлиб, 50 бекат фаолият кўрсатмоқда.



Алишер Навоий метро бекати



Мустақиллик майдони метро бекати



Абдулла Қодирий метро бекати



Тинчлик метро бекати

Тошкент метроси жуда ҳам чиройли ва йўловчилар учун қулай.

Метродан фойдаланиш қоидалари белгиланган. Бироқ, шундай бўлсада ўзбек халқининг азалий қадриятлари сақланиб қолган. Хусусан, ёши кичик бўлган инсонлар ёши катта, ёш болали ва ногирон шахсларга жой беришади.

Шунингдек, метро станцияларида ҳам доим бу каби хайрли ишларни амалга ошириш лозимлиги хусусида эълон қилиб турилади.

Ривожланган давлатлар амалиётини ўрганган ҳолда Тошкент метрополитени фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифларимиз:

Биринчидан, хорижий мамлакатлар метросида бўлгани каби Тошкент метрополитенида ҳам “Ногиронлар” ва “Ёш болали аёллар” учун алоҳида вагонлар ажратилиши;

Иккинчидан, Лондон метросида поездларнинг “келиш вақти”, шунингдек Германия метросида поездларнинг келиши ва кетиш вақти ҳамда уларнинг кечикишлари ҳақида маълумотлар доимо намоиш этиб турилишини инобатга олган ҳолда Тошкент метрополитени станцияларида ҳам поездларнинг “келиш, кетиш ва кечикиш вақтлари”ни кўрсатувчи электрон ахборот таблолари жорий қилиниши;

Учинчидан, Тошкент метрополитенида Япония метросида бўлгани каби бекатларда поездлар билан йўловчилар ўртасида ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи поездлар келиш-кетишига мос ҳолда очилиб-ёпилиб турадиган тўсиқ (девор)лар ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Японияда таксида юрмоқчи бўлсангиз.



Қизил **空車** (кюся) - “Бўш машина”
Кўк **賃走** (тинсо) - “Банд машина”



Таксида юрганда ҳар 300-400 метр учун дастлабки 1-2 км.дан кейин ҳақ тўланади.

Токиода таксининг стандарт нархлари:

Биринчи 1-2 км - 400-700 йен (шаҳарга, компанияга қараб),

Ҳар кейинги 300-400 м - 80-90 йен,

Автотурааргоҳ / кутиш - 90 сония учун тахминан 90 йен,

10 мил / соат дан камроқ тезликда саёҳат қилиш, масалан, тикилинчда) - 90 сония учун тахминан 90 йен (кутиш учун)

- 22:00 - 23:00 гача - Токиода нарх 20% га,

- 23:00 - 05:00 гача эса 30% га ошади.

✔ Одамларга тегинманг!

Японияда, ҳатто кўзга қараш одобсизлик ҳисобланади, тегиниш у ёқда турсин.

Кўзларга узоқ вақт қараб туриш Японияда тажовузкорлик белгиси.

Яна бир қизиқарли жиҳат: агар суҳбатдошингиз узоқ вақт кўзларингизга қараб турса улар сизни ниманидир яширмоқда ёки ёлғон гапирмоқда деб ўйлаётган бўлиши мумкин. Шунинг учун нигоҳларни қаратганда меъёрни сақлаш керак.

Бу мамлакатда жуда кенг жой йўқ, шунинг учун ҳар бир япон бир-бирининг шахсий маконини ҳурмат қилади.

Жамоат жойларида ўпиш ҳам одобсизлик ҳисобланади.

✔ **Пул, пул, пул...** Пул билан ғалати муносабатлар мавжуд – улар негадир жамоат жойларида пуллари намоёнишкарона ишлатишдан уялишади, шунинг учун анъанавий тарзда безатилган конвертлар бу ерда жуда машҳур. Агар сизда бундай конверт бўлмаса, пулни қоғозга ўраб беришингиз керак бўлади.

Супермаркетларда сиз кассирга пул беролмайсиз, уни фақат махсус ликопча устига қўясиз.

✓ Япония миллий пул бирлиги **иена**:



✓ **Совғалар.** Японияда совға беришнинг жуда юксак маданияти мавжуд. Йил давомида ҳар бир киши уларни бир-бирларига берадиган иккита алоҳида фасл мавжуд: ёз ва қиш.



Совға бермоқчи бўлсангиз, унинг нима эканлигини тушунтириб, у тўғрисидаги маълумотларни айтган ҳолда беришингиз шарт.

Японияда бу ҳолат урфга айланган.

Масалан, совғанинг юз фоиз ипакдан бўлган товар эканлигини айтишингиз шарт.

Акс ҳолда, совғангизнинг кадри бўлмайди.

Табассум

билан боққан
ҳолда таъзим
қилиб, икки қўллаб
беришингиз ва
қабул қилиб
олишингиз керак.



✓ **Таъзим қилиш санъати.** у мамлакатда таъзим санъати шу қадар муҳимки, болалар уни ёшлигидан ўрганадилар. Масалан, бирорта одамни табриклайётганда (“эсяку”), **15 даража** эгиласиз яъни, бу эгилиш тенг мақомга эга бўлганлар учун, ўқитувчи ва хўжайин учун **30 даража**, энг ҳурматли инсон учун **45 даража** яъни, агар сиз кечирим сўрасангиз ёки императорни кўрсангиз, шундай қилиб эгиласиз.

Японияда мижоз ёки бизнес шеригига алоҳида эҳтиром кўрсатишади. У кетаётганда бутун компания эшикка ёки лифтга кузатиб боради ва эшиклар ёпилгунча унга таъзим қилади.

✓ **Жамоат жойда** ортиқча эътиборни жалб қилиш – баланд овозда гапириш ёки жамоат транспортида уяли алоқа воситасида мулоқот қилиш одобсизлик ҳисобланади.

Япон маданияти – ўзини кўз-кўз қилмаслик ва ҳисларни яширин сақлаш. Асосий қоида – бошқаларга ҳалакит бермаслик⁴³.

✓ **Япон уйига** кирсангиз, пойабзалингизни ечиб олишингиз керак. Ҳар бир хона учун алоҳида шиппаклар мавжуд, агар уларни аралаштириб юборсангиз, масалан ошхонага кийган шиппагингизни ҳожатхонага кийиб кирсангиз кулгуга қоласиз.



✓ **Хаси бу**, японча таом ейиладиган таёқчалар.



Бу таёқчалардан фойдаланишнинг махсус одоб-ахлоқ, айтилмаган қоидалари мавжуд. Сиз стол устидаги таёқчалар билан расм чизишингиз ёки уларни бирон нарсага қаратишингиз мумкин эмас. Столга тушган озиқ-овқат парчасига таёқчалар билан тегиниш ва уни қўл билан олмаслик ёмон одат ҳисобланади. Таёқларни мушт билан ушламанг, чунки японлар буни таҳдид сифатида қабул қилишлари мумкин!

Японлар рамзий маъноларга ҳам катта аҳамият беришади, шунинг учун сиз таёқчалар билан овқатни бошқа бировнинг идишига ўтказмаслигингиз керак, чунки бу уларга марҳумнинг суякларини куйдирилгандан сўнг яқин қариндошларига бериш ҳолатини эслатади. Японияда овқатланиш тугагандан сўнг, таёқчаларни столга ёки идиш четига қўйиш одатий ҳолдир, лекин стаканга таёқчаларни қўйманг⁴⁴.

⁴³ <https://www.youtube.com/watch?v=wEfrdCnL4hE>

⁴⁴ <https://xabar.uz/xorij/pulni-qol-bilan-ushlamang-kozga-tik-qarab-gaplashmang>

✔ Ўтган авлодларга ҳурмат кўрсатиш:

Японлар ўтган ота, бобо ва ш.к. доимо хотирлашади.

Хотирлашни амалга ошириш учун алоҳида дўконлар фаолият олиб боради.

Дўконда ўтган авлодларни хотирлаш учун барча зарур нарсалар мавжуд.



✔ Йўл ҳаракати қоидалари:



Фукаралар ва машиналар йўлнинг чап томонидан ҳаракатланиши шарт.

✔ Ўзбекистонда эса фукаралар ва машиналар йўлнинг ўнг томонидан ҳаракатланиши шарт.

Машиналарнинг рули ўнг томонда бўлиб, уларнинг тезлиги 40, 50 км.с. билан чекланган. Катта трассаларда 80, 100 ва 120 км.с. тезлик белгиланган.

МЕҲМОНХОНА



Японияда “Capsule Hotels” энг машҳур ва тежамкор меҳмонхоналардир.

Ўзбек халқи маданияти қуйидаги сатрларда акс этган:

Одобнома	одамгарчилик
▲ Тик туриб, юриб ёб-ичмаслик керак.	
▲ Катталар ёнида қўл чўнтакда турмаслик керак.	
▲ Ҳеч кимни камчилиги учун масхара қилмаслик керак.	
▲ Олган омонатни кечиктирмай эгасига қайтариб бериш керак.	
▲ Савдода кишининг молини камситмаслик керак.	
▲ Ваъда берганда лабзида (сўзида) туриш керак.	
▲ Кўпчиликнинг орасида сақич чайнамаслик керак.	
▲ Ҳеч бир жойга оғзида чилим ёки нос билан боришмайди.	
▲ Ҳамма ўтадиган жойда, ўртада гаплашиб туришмайди.	
▲ Кишининг айбини очиқча юзига айтиб уялтирмаслик керак.	
▲ Имо-ишорат билан бирини камситиб ёмонламаслик керак.	
▲ Ҳар жойда туфуриб атрофни кирлатмаслик керак.	
▲ Ман-манлик қилиб ҳамманинг назарини олмаслик керак.	
▲ Аксирганда қўл ёки рўмолча билан бетини ёпиш керак.	
▲ Кўпчилик орасида балан овоз билан гапирмаслик керак.	
▲ Кўпчилик орасида керишиш, какириш ва эснамаслик керак.	
▲ Меҳмон чақирганда овқатни куткизмаслик керак.	
▲ Гаплашиб турганларнинг гапини бўлиб арашасмаслик керак.	
▲ Катталарнинг ёнида оёғини узатиб ўтирмаслик керак.	
▲ Гаплашганда кекатиб-камситиб гапирмаслик керак.	
▲ Сўзлаганда тортишиб ёки тўхтамасдан гапирмаслик керак.	
▲ Эркак бошқанинг эркаги йўқ уйига кирмаслиги керак.	

ЯПОНИЯНИНГ МАШҲУР МАНЗИЛЛАРИ



ФУДЗИЯМА ТОҒИ

– (Фусхи - олов маъбудаси, яма, сан - тоғ) Япониянинг миллий қадамжойиларидан бири.

Ушбу вулқон тоғ Токионинг жануби-ғарбида, ундан 90 км. узоқдаги Хонсю оролида, тоғнинг энг юқори нуқтаси денгиз сатҳидан 3776 метр баландликда жойлашган.

Фудзияма тоғи халқ орасида “Оқ қорли қалпоқ” номи билан машҳур.

ТОКИО

Токио (яп. 東京 То:кё: “Шаркий пойтахт”) шаҳри Япониянинг пойтахти, маъмурий, молиявий, саноат ва сиёсий маркази ҳисобланади.

Токио шаҳрида 2024 йил 1 март ҳолатига 38 100 000 киши, яъни японлар, хитойликлар, жанубий ва шимолий корейликлар, филиппинликлар, америкаликлар, хиндилар ва инглизлар яшайди.



Токио - Япониянинг маъмурий ҳудудий бирлиги бўлиб, 23 та махсус туман, Тама вилояти ҳамда Изу ва Огасавара оролларини ўз ичига олади.

Токио шаҳридаги энг баланд бино 330 метрни ташкил этади.



Токио шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ишлари эҳтиёткорлик билан озодаликка риоя қилган ҳолда олиб борилади.

КИОТО

Япониянинг олдинги пойтахти бўлиб, Хонсю оролида жойлашган.



КОБЭ

Япониянинг Хонсю оролида жойлашган шаҳар бўлиб, мамлакатнинг асосий портларидан бири ва халқаро савдо маркази ҳисобланади.





НАГОРО

Япониянинг Токусима префектурасидаги Сикоку оролидаги Ия водийсидаги қишлоқ.

Қишлоқ бўйлаб жойлаштирилган кўплаб реалистик кўғирчоқлар билан машҳур бўлиб, бу уни сайёҳлик марказига айлантирган.

Умрининг бир қисмини Осакада уй бекаси сифатида ўтказган Тсукими Аяно (Тсукими Аяно) 2002 йилда ўз туғилган уйига қайтиб келади.

У кичкина кўғирчоқлар яшашни яхши кўрар эди.



Нагорога кўчиб келганидан кейин далани кўриқлаш учун ўзининг биринчи - отасига ўхшаш баҳайбат кўғирчоқни ясайди.

Кўшниларининг кулгили муносабатидан кейин у кўпроқ нарсани қилишга қарор қилади.

У кўчиб кетган ёки вафот этган ёки ўтиб кетган одамларнинг тасвирларини яратишни бошлайди.

20 нафарга яқин аҳолиси бўлган бу ҳудудда ҳозир 300 дан ортиқ кўғирчоқ бор!


Уларнинг ҳар бири ўз номи, шахсияти, ёши ва каталогига эга⁴⁵.

⁴⁵ <https://offbeatjapan.com/nagoro-village-dolls-shikoku/>

Токионинг **Асакуса** шаҳридаги Сенсожи ибодатхонаси мажмуаси:



Асакуса ибодатхонаси



Японияда
балиқлар
арикларда
сузиб
юради, ҳеч
ким уларга
тегмайди.

ОДАЙБА

Токио кўрфазигади катта сунъий орол.



Одайба ороли билан Токиони “Камалак кўприги” боғлайди.

Оролга Автобус, такси ва магнитли ҳайдовчисиз бошқариладиган поезд орқали ҳам бориш мумкин.

